# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

2003 YIL 16 MAY, JUMA

№64 (6.589). Sotuvda erkin narxda


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши*

## Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

2003 йилнинг 15 майига ўтар кечаси қуролланган жиноятчилар гуруҳи томонидан Қирғизистон Республикаси Жалолобод шаҳри Ички ишлар бўлими ва Жалолобод вилояти Ички ишлар бошқармаси биноларига ҳужумлар уюштирилган. Бу ҳужумлар натижасида жиноятчилар катта миқдордаги ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни қўлга киритиб, яширинган.

Ушбу қуролланган жиноий гуруҳ ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг чегарадош ҳудудида вазиятни издан чиқариш хавфини туғдириши мумкин.

Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида катта миқдорда ўқотар қуролларни эгаллаб олиш билан боғлиқ содир этилган босқинчилик муносабати билан ҳамда қуролланган жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистонга суқулиб киришининг олдини олиш, чегарадош ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиларнинг эҳтимолда тутилаётган шерикларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида:

1. Махсус тезкор гуруҳ ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3. Махсус тезкор гуруҳ (Б.Матлюбов) жойларга чиққан ҳолда давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролланган жиноий гуруҳлар суқулиб киришининг олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин. Шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегаралари муҳофазасини мустаҳкамлаш, фуқаролар, автомобил ва бошқа транспорт воситаларини ўтказиш пунктларида чегара ва божхона назоратини кучайтириш;

- жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мақсади ва моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- чегарадош ҳудудларда паспорт режимини текшириш йўли билан профилактика ва огоҳлантириш чора-тадбирларини кучайтириш;

- босқинчилик содир этган жиноий гуруҳнинг мамлакат ҳудудидаги эҳтимолда тутилаётган аъзолари ва шерикларини, шунингдек, Қирғизистон ҳудудидаги жиноий гуруҳлар билан алоқаси бўлиши мумкин бўлган бошқа шахсларни аниқлаш ва зарарсизлантиришга қаратилган тезкор-қидирув чора-тадбирларни ташкил этиш;

- ҳамкорликда жиноятчиларни зарарсизлантириш ва чегарадош ҳудудларда барқарорликни сақлаш мақсадида Қирғизистон Республикасининг тегишли хизматлари билан зарур тезкор алоқа ўрнатиш.

4. Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) билан ҳамкорликда Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудуддаги ўта муҳим ва табақалаштирилган объектларни қўриқлашнинг кучайтирилган тартибини, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар ва ҳарбий техника омборлари жойлашган ерларни қўриқлашни ва мудофаасини таъминласин.

5. Андижон (Қ.Обидов), Фарғона (А.Отабоев) ва Наманган (Т.Жабборов) вилоятлари ҳокимлари тушунтириш, профилактика ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш учун маҳалла қўмиталари, фуқароларнинг «Маҳалла посбонлари» ва «Чегара посбонлари» жамоатчилик тузилмаларининг кенг жалб этилишини таъминласин.

6. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 15 май

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 май куни Оқсаройда Россия Федерациясининг «Андрей Первозванний» жамғармаси Васийлар кенгаши раиси Владимир Якунин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.***

Давлат, ҳукумат, дин ва сиёсатдан холи бу жамғарма ўн йилдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатиб келмоқда. У ўз олдига қўйган бош мақсад маънавий ва маданий қадриятларни тиклаш, сақлаш ва бойитишни ҳамда инсон қалбида ўз халқининг тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқ маънавий асосларни мустаҳкамлашни тарғиб этиш ва рағбатлантиришдан иборат.

Жамғарма Россиянинг қадим «Андрей Первозванний» орденини қайта таъсис этган ва зикр этилган соҳаларда беқиёс хизмат кўрсатган шахсларга уни тақдим этади. Ушбу орден Россия Федерациясининг давлат мукофоти мақомига эга.

Халқаро миқёсда бундай хайрли ишларга катта ҳисса қўшган шахсларга мазкур орден махсус таъсис этилган «Цивилизациялар мулоқоти» халқаро мукофоти тарзида берилади. Унга ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура, Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий каби арбоблар сазовор бўлган.

Жамғарма Васийлик кенгаши бу йил ушбу мукофотни Ўзбекистон Республикаси Президентига топширишга қарор қилди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида меҳмон Ислом Каримовга мукофотни тантанали равишда тақдим қилар экан, мамлакатимиз раҳбарининг цивилизацияларaро мулоқот ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамфикрликни ривожлантириш борасида юритаётган изчил сиёсатини яна бир карра қайд этди. Ўзбекистон Президентининг ўз қатъияти ва жасорати билан мураккаб дамларда ҳам бағрикенглик намойиш этиб, миллатлар, динлараро зиддиятларнинг олдини олгани, кўп миллатли мамлакатимизда барча миллат-элатлар вакилларининг тинч-тотув ҳаётини таъминлашдаги хизматлари юксак қадрланишини таъкидлади.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг ушбу давлат мукофоти нафақат Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатларига, балки Ўзбекистонда бағрикенглик тамойиллари асосида ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш ва бойитиш борасидаги ишларга, умуман, юртимиз маънавий ҳаётида кечаётган жараёнларга берилган баҳо эканлигини таъкидлади.

**(ЎзА)**

***

**СУРАТДА: қабул пайти.**
А.ТЎРАЕВ (ЎзА)
олган суратлар.

***ТЕРМИЗ. /ЎзА мухбири Ч.Тўхтаев/ 15 май куни Бойсун туманида анъанавий «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивали бошланди.***

# БОЙСУНДА ЯНА БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, «Бойсун баҳори» мамлакатимизда истиқлол йилларида бой тарихий маънавий меросимиз, миллий анъаналар ва қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган улкан саъй-ҳаракат самарасидир. 2001 йили Бойсун ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилгани бежиз эмас. У мана шундай эътирофга лойиқ топилган жаҳондаги ўн тўққиз манзилнинг бирига айланди. Бу юксак эътироф, аслида, асрлар давомида халқ оғзаки ижодининг энг гўзал намуналарини, миллий урф-одатларини асраб-авайлаб келаётган ўзбек халқининг қадимий ва теран маънавиятига берилган муносиб баҳодир.

«Бойсунтоғ» этно-фольклор боғида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда сўзга чиққанлар фестивалнинг маънавий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш борасидаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритди.

**(Давоми 2-бетда)**

*Махсус мухбиримиз Умид Бекмуҳаммад Хоразмдан хабар қилади:*

***“Умид ниҳоллари-2003” мактаб ўқувчиларининг республика спорт ўйинлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ватанимизнинг турли бурчакларидан келган 2604 нафар ўқувчи ва мураббийлар иштирокида спортнинг 12 тури бўйича беллашувлар бошланиб кетди.***

# ДЎСТЛИК ВА ЭЗГУЛИК НАМОЙИШИ

-Хоразм воҳасида мусобақа иштирокчилари учун яратилган барча шарт-шароитлар учун ташкилотчилардан миннатдормиз, - дейди Қашқадарёдан ташриф буюрган қатнашчилардан бири Бурхон Сатторов. – Барча ёш спортчилар фақат ғалаба учун интилишлари, билдирилган ишонч ва юксак масъулиятни ҳис қилмоқлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидан келган яна бир умидли спортчи Маҳмуд Ражабов Урганчдаги янги очилган Олимпия заҳиралари коллежининг замонавий жиҳозлангани, ўйинларнинг кўнгилдагидек ўтиши учун етарлича имкониятлар мавжудлигидан хурсанд эканини айтди.

15 май куни Хивадаги махсус спорт интернатида ўғил болалар ўртасида қўл тўпи бўйича ўтказилган беллашувларда Сурхондарё ва Тошкент вилояти вакиллари майдонга тушишди. Ўйин 27-22 очко ҳисобида сурхондарёлик ёш спортчилар фойдасига ҳал бўлди.

Урганч қурилиш коллежида бўлиб ўтган қизлар ўртасидаги баскетбол мусобақаларида эса Тошкент шаҳри вакиллари сирдарёлик тенгдошларини 84-25 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Ўғил болалар ўртасидаги баскетбол бўйича ўтказилган мусобақаларда Тошкент шаҳри ўсмирлари пойтахт вилояти вакилларидан 90-41 ҳисобида устун келишди.

Хоразмда ўтаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини эзгулик ва дўстлик байрамига айланган, десак муболаға бўлмас.

Навоий шаҳридаги 13-мактаб ўқувчиси Сергей Анишченко ҳам мусобақаларда қатнашиш чоғида "Биз беллашувлар жараёнида қадимий Хоразмнинг гўзал ва бетакрор маданияти билан ҳам танишяпмиз, бир-биримиз билан дўсту иноқ бўлиб, Ватанимизнинг тенгсиз қудратидан фахр-ифтихор ҳиссини туймоқдамиз", дея ўз таассуротларини баён этди.

Ўтказилаётган мусобақалар келгусида умидли ниҳолларимизнинг камол топмоғи учун замин яратишига шубҳа йўқ.

# “ҚУРТ ЖОНДИН КЕЧИБ ИПАК БЎЛДИ...”

***Пилланинг иши бу йил азобга айланди. Ғавғоси ҳаддан ошди. Қишлоқ хўжалигида-ку енгил ишнинг ўзи йўқ. Пилламиз – тилламиз, дейиш осон. Афсуски, пилланинг тиллага айланиши қийин кечаяпти.***

Жарқўрғон тумани пиллачилари пилла режасини бажариб, қабул пунктига 117 тонна 300 килограмм сифатли, қимматбаҳо хомашё сотишди. Ютуқ ҳақида гапириш яхши, аммо унгача қилинган меҳнатни айтмайсизми...

"Не ситамким, қилса раҳм махфий эрди зимнида" дейди ҳазрат Алишер Навоий. Пиллачилар барча қийинчилигу ташвишлар ўтиб кетади, муҳими, бугун пилла хирмони тўлиб-тошиб турибди, дейишмоқда.

Сурхондарёда бу йилги қиш роса чўзилди. Қаҳратон совуқ дарахтлару тутзорларга сезиларли зарар етказди. Тут барги – ипак қуртининг жони. У кўп бўлса, пилла ҳам мўл бўлади. Жарқўрғонликлар эрта баҳорда тутзорларга пухта ишлов беришди. Дарахтлар озиқлантирилди. Зарарли ҳашаротларга қарши дориланди. Март ойида Фарғона ва Андижондан ипак қурти уруғи олиб келинди.

Апрел ойи бошида жонлантирилган ипак қурти 1980 та оилага тарқатилди. Ипак қуртини қуртбоқарларга бериш, тарқатиш қийин бўлиши мумкин эди. Чунки, яширишнинг ҳожати йўқ, айрим хўжаликлар ўтган йилги пилласининг пулини тўлиқ ололмади. Бунинг устига қуртбоқарларга "аванс" пули ҳам берилмади. Ўзингиз ўйланг, 2002 йилда қанча заҳмат чекиб пилла етиштирганлар бир йил ўтса-да унинг пулини ололмаса! Қуртбоқарлар дардларини ичига ютиб, "Ипак қуртини оламиз, боқамиз. Режани ҳам бажарамиз. Ўтиш даври-да, кўпчиликка қийин. Пилла хирмонини уйсак, ҳаммаси яхши бўлади", деган ўй билан ишга киришдилар. Туман хўжаликлари имкони борича ёрдамларини аямади. Ҳар қути ипак қурти учун бир халтадан ун, 10 килограммдан пахта ёғи берилди.

**(Давоми 2-бетда)**

# МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

## *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Европа тикланиш ва тараққиёт банки директорлари Кенгаши ва раҳбарияти номидан Ўзбекистон ҳукуматига ЕТТБнинг Тошкентда 4-5 май кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи йиллик мажлисини муваффақиятли ташкил этгани учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Тадбирнинг барча иштирокчилари Ўзбекистон халқи уларни илиқ кутиб олганини юқори баҳолади. Ушбу ажойиб воқеа арафасида ва унинг ўтишида шахсан фаол иштирок этганлигингиз учун Сизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб маълум қилмоқчиманки, йиллик мажлисимизнинг ўтишида фаол иштирок этган ўзбекистонлик ёшларнинг иқтидори ва ғайратшижоати менда ва ҳамкасбларимда катта таассурот қолдирди. Биз форумни ташкил этишда ёрдам бериши учун 200 нафар талабани жалб қилдик. Улар бугунги кунда ёш авлод Ўзбекистон келажагига қандай улкан ҳисса қўшаётганини яққол намоён этди.

Бу, ҳақиқатдан ҳам, талай сабабларга кўра оламшумул воқеа бўлди. Мазкур тадбир - Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Марказий Осиёда ўтказилган биринчи йиллик мажлисидир. Шу боис Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Грузия Республикалари Президентлари биз билан Тошкентда минтақавий ҳамкорликни яхшилаш йўлларини муҳокама этиш учун йиғилгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ошкоралик руҳида ўтган учрашувларда Сизнинг мамлакатингиз ва бутун минтақада амалга оширилаётган сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий масалалари очиқ-ойдин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати ушбу мажлисга қадар ўз зиммасига олган мажбуриятларга мувофиқ амалга оширган қатор ишлар бутун тадбирларнинг жуда муҳим таркибий қисмига айланди. Бундай дадил қадамлар мажлиснинг барча иштирокчиларига тадбирда эркин қатнашиш имконини яратдики, бу йиғилишнинг муваффақиятли ўтишига ёрдам берди. Булардан ташқари, фуқаролик жамияти вакиллари билан баҳс ўтказиш имконини берадиган муҳим анжуманга айланишида катта омил бўлди. Йиллик мажлис очилишининг тўғридан-тўғри эфирга узатилиши ва унинг боришининг турли оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши воқеаларни диққат билан кузатиб бораётганлар сонини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, ҳукуматингиз ЕТТБ таклифига мувофиқ беш давлат раҳбарларига, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кенгаши ва бошқарувчилари раиси ҳамда президентига минтақавий масалаларни батафсил муҳокама қилиш имкониятини яратди. Ушбу муҳокама Сиз ташкилотчиларидан бири бўлишга лутфан розилик берганингиз - банк бошқарувчилари учун уюштирилган қабул маросимида ҳам давом эттирилди.

Шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўзининг барча йиллик мажлисларида амалий ишларга катта эътибор қаратади. Шу боис мен шунчалик кўп иштирокчи қатнашган ва уларнинг барчасида катта қизиқиш уйғотган Ўзбекистоннинг инвестиция форумида бажонидил иштирок этдим. ЕТТБнинг биринчи вице-президенти «Ўзэкспомарказ»-да кўргазманинг расмий очилиш маросимида бажонидил иштирок этди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ташкил этилган қизғин баҳс-мунозараларга бой дастурлар ҳамда мамлакатлар тақдимотини ўз ичига олган бизнес-форум ҳукумат ва бизнеснинг масъул вакиллари, шунингдек, фуқаролик жамияти вакилларига ўзаро учрашиш ҳамда биз иш юритаётган давлатлардаги, айниқса, Марказий Осиёдаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш имконини берди.

Айниқса, Тошкентда ЕТТБ аъзоси ҳисобланган 62 мамлакат ва ташкилотнинг расмий ҳукумат делегациялари билан бир қаторда кўплаб ноҳукумат ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, таниқли бизнесмен ва банкирларни кўриш ғоят қувонарли эди. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг йиллик мажлисида жами 3000га яқин киши фаол иштирок этди.

**(Давоми 2-бетда)**

# ҚАДИМ ЙЎЛЛАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

**ТАРАҚҚИЁТ**

***Бу қадим йўллар.***

***Кишилик тарихида неки синоатлар ўтган бўлса, ҳаммасига шоҳиддир бу йўллар. Инсон орзу-умидлари, интилишлари, келажаги билан ришталар янглиғ туташдир.***

“Шоҳ ҳам, гадо ҳам йўлдан юради”, “Йўлингдан адашма”, деган теран маънога эга бўлган ўгит бор. “Йўлдан уришди”, “Боши берк кўчага кириб қолди” деган аччиқ-аччиқ афсуслар ҳам борки, буларнинг барчаси манзилларга элтувчи йўллардан андоза олиниб айтилган тушунчалардир. Йўл қурганлар ҳамма замонларда эъзозланган, бузганлар – лаънатланган.

Самарқанд шаҳри ва вилоятдаги йўллар ҳақида фикр юритарканмиз, хотираларда узоқ тарих қатлари варақланади. Кимлардир бу йўллардан эзгу ниятларда от сурдилар, кимлардир ёвуз мақсадда. Бу йўлларда Афросиёбнинг ҳам, Искандарнинг ҳам, Ботую Жўжининг ҳам, Амир Темурнинг ҳам, Абдураҳмон Жомийнинг ҳам, Мир Алишер Навоийнинг ҳам излари қолган. Изларки, биридан гўзал юрт, сўлим боғлар, ўлмас асарлар мерос, бошқасидан харобалар, тузалмас дардлар...

Бугун вилоят ҳудудидан ўтадиган Тошкент – Термиз, Самарқанд – Бухоро – Ашхобод йўлларининг 337 километри халқаро аҳамиятга эга. Республика аҳамиятидаги йўллар эса 1102 километрни ташкил этади. Қолган 1282 километр йўл вилоят, 1397 километри эса маҳаллий аҳамиятга моликдир.

Самарқанд йўллари ҳақида бугун тўлқинланиб гапирса, арзийди. Боиси, бу йўллар шаҳру азимга нурафшонлик олиб келмоқда. Бизга хайрихоҳ дўстларни, халқаро илғор тажрибаларни, дунёвий тамаддун ютуқларини чорламоқда.

**(Давоми 3-бетда)**

**ОЧЕРК**

***Тушликдан сўнг, сиҳатгоҳ хиёбонини айланиб юрган Аҳрор ака билан Саидориф аканинг эътиборини 5-бино қаршисидаги ўриндиқда қунишиб ўтирган кексароқ киши тортди.***

Нотаниш кимсанинг юзлари шу қадар тунд эдики, унинг бирор нарсадан чуқур изтироб чекаётганини сезиб олиши қийин эмасди. Ё бирор жойи оғрияптимикан-а? Балки юраги...

-Бирор нарса бўлганга ўхшайди? – деди Аҳрор ака.

-Балки, ёрдамимиз керакдир? – деди бунга жавобан Саидориф ака.

Улар ҳалиги одамнинг олдига бориб бараварига салом беришди.

Нотаниш кимса алик олди-ю, қизариб кетган кўзларини икки нотаниш одамга бирров қадаб яна ерга боқди, чуқур "уф" тортди.

-Тинчликми, биродар, кимдир ранжитган кўринади? – деди Аҳрор ака унинг ёнига чўкиб.

-Э, қўяверинглар! – қўл силтади ҳалиги киши, - бу дунёда диёнатли одамнинг ўзи қолмаган кўринади.

# “БОРИ ЭЛҒА ЯХШИЛИК ҚИЛ”

Маълум бўлишича, бу кишининг исми Шарофиддин бўлиб, Қашқадарёнинг қайсидир туманида тракторчиликдан пенсияга чиққан экан. Кўпдан оёғи оғриркан. Бундан бир ҳафта олдин ишлаган хўжалигидан уйига йўқлаб келиб, ана шу сиҳатгоҳга йўлланма бериб кетишибди.

**(Давоми 4-бетда)**

# АДВОКАТ ЎЗ МИЖОЗИ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАДИМИ?

**ҚОНУН ВА БИЗ**

***Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш билан боғлиқ бўлган кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Бутун қонунчилигимиз қайта кўриб чиқилиб, деярли янги ҳуқуқий тизим яратилди. Жумладан, адвокатура тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши, адвокатга бериладиган ваколатларни кенгайтиришга қаратилган “Адвокатура тўғрисида”ги ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар ҳамда ҳимоя ҳуқуқи билан боғлиқ бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши белгилаб қўйилган. Лекин амалдаги ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонун меъёрларидаги мавжуд айрим ҳуқуқий номувофиқликлар ҳимоя ҳуқуқини либераллаштиришга тўсқинлик қилади.

"Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган адвокатлар ҳуқуқи, яъни ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган баъзи ҳуқуқий нормалар амалдаги жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ва хўжалик-процессуал меъёрларида ўз аксини топган. Шу боис адвокатлар томонидан ҳимоя ҳуқуқининг амалга оширилишида баъзи бир муаммоларга дуч келинмоқда.

Адвокатларнинг аксарияти ўз иш даврида ҳимояларига олган шахслари ҳибсда сақланаётган ҳолларда терговчи ва суддан гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчи билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддаси талаби бўйича ҳоли учрашув учун руҳсатнома олишга бир неча кун овора бўладилар.

**(Давоми 2-бетда)**

**ЖАРАЁН**

***Қирқ - қирчиллама ёш. Бу йил Сирдарё вилояти ана шу ёшга тўлади. Одатда, инсон бу ёшни камолот чўққисини забт этган ҳолда қарши олади.***

У нафақат етуклик ва ақлидрокда, балки ҳусн ва хушрўйликда ҳам ҳавас қилгудек қиёфада кўзга ташланади. Хўш, Сирдарё вилояти ўзининг қирқ ёшида қандай қиёфада намоён бўлмоқда?! Бугунги кунда унинг шаҳар ва қишлоқларини, дала ва боғларини, кўча ва хиёбонларини, айниқса, Сайхун соҳилларини айлансангиз, бу саволга дарҳол жавоб топасиз, яъни унинг қиёфасига мафтун бўлиб қоласиз.

Қирчиллама ёшга қийиқ ярашганидек, Сирдарёнинг бугунги ҳусни-тароватига яшил белбоғлар ярашибди. Яшиллик – бойлик, дейишади сирдарёликлар қалблари фахр-ифтихорга тўлиб. Дарҳақиқат, яшиллик, бу - ҳаёт, эртанги кун, ўсиш-улғайиш, келажак дегани. Шундай экан, Сирдарёнинг бугунги қиёфасига ярашган яшил белбоғлар эса унинг бунёдкорлигига куч ва эртанги кунига ишонч бағишлаб турибди.

Яхшиси, энди рақамларни тилга киритайлик. Ўтган йилнинг кеч кузи ва бу йилнинг эрта баҳорида вилоят бўйича 4 миллион 62 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш кўзда тутилган эди. Амалда қарийб 6 миллион тупдан ортиқ кўчат экилди ва деярли тўлиқ кўкартириб олинди. Вилоят тарихида ҳали ҳеч қачон бир мавсумда бунчалик кўп кўчат экилмаган ва бу даражада муваффақиятли кўкартириб олинмаган эди.

# ЯШИЛ БЕЛБОҒЛАРИНГ БОР БЎЛСИН, СИРДАРЁ!

**(Давоми 2-бетда)**

# МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

(Боши 1-бетда)

Ишончим комилки, фикр алмашинуви ва учрашувлар давомида кечган мунозаралар Сизнинг мамлакатингиз ва бутун Марказий Осиё минтақаси ўтиш жараёнида дуч келаётган таҳдидларни яхшироқ англашга ёрдам беради. Юксак савияда ташкил этилган кўргазмалар, концертлар, Самарқанд, Бухоро, Хива каби жаҳонга машҳур шаҳарларга уюштирилган саёҳатлар йиллик мажлис иштирокчиларига Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти билан яхшироқ танишиш имконини берди.

Сизга маълумки, мажлисга қадар ва мажлис давомида талай муҳим ва мураккаб масалалар кўтарилди. Биз Тошкентда биргаликда эришган муваффақият Ўзбекистоннинг катта иқтисодий салоҳиятини очиб берадиган имкониятлар борасидаги музокараларни давом эттириш, мамлакатингизда барқарор иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиётни қўллаб-қувватлаш асосига айланади. Биз Ўзбекистон ҳукумати билан ушбу вазифаларни амалга ошириш борасида ҳамкорликда ишлашдан умидвормиз. Сиз яхши биласизки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки директорлари Кенгаши ва мен Сиз ҳамда ҳукуматингиз билан биргаликда ЕТТБнинг 2003 йилнинг мартида тасдиқланган Ўзбекистонга оид стратегиясида қайд этилган асосий масалаларни кўриб чиқамиз.

Сизга очиқ ва самарали учрашув, ўзбек халқи бизга кўрсатган меҳмондорлик учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

***Камоли эҳтиром билан,***

**Жан ЛЕМЬЕР,**
**Европа тикланиш ва тараққиёт банки Президенти**




## ҚОПҚОН

***Жалил дўкончини қишлоқдагилар у қадар ёқтиришмайди. Чунки у бирни ўнга пуллагани етмагандай, тарозидан ҳам унча-мунча уриб қолади. Ундан бир кило, деб олган шакарингиз бошқа тарозида саккиз юз грамм чиқади. Бир нима десангиз, "Бу давлатнинг магазини эмас, қандай хоҳласам, шундай савдо қиламан", дейди безрайиб.***

Яқинда унинг яна бир "фаолияти" сири очилди. Гап бундоқ бўлганди. Қишлоқдаги Нурмат ферманинг товуқхонасига кимдир танда қўйиб қолган, ҳар куни бир жуфт парранда аллақаергадир "гум" бўлаётганди. Минг пойламасин, ўғри қўлга тушмас, аммо товуқ йўқолаверарди. Бир куни гузардаги чойхонада гап мавзуси шунга бориб қадалди.

-Э, бу тулкининг иши-да, - деди Жалил дўкончи Нурмат акага.- Мен сизга айтсам, ака, катакларингизнинг олдига қопқон қўйишингиз керак. Ўзим сизга шаҳардан антиқасини келтириб бераман.

Кўп ўтмай Жалил дўкончи Нурмат фермага ёввойи ҳайвонларни тутишга мўлжалланган темир қопқон обкелиб берди. Аммо қиммат нарх сўради. Нурмат ферма эса ноилож қопқонни у айтган нархга сотиб олди.

-Тулки айёр бўлади, - ўйлади у. – Шундай қилайки, қандай қилиб қўлга тушганини билмай қолсин...

Ўша куни тунда Нурмат аканинг ҳовлисидан дод-фарёд эшитилибди. Қўни-қўшни халлослаб етиб борса, товуқ катаги олдида... Жалил дўкончи қопқонда сиқилган оёғини сиқимлаганча типирчилаётганмиш...

Маълум бўлишича, бир вақтлар довруғли овчи бўлган Нурмат ферма қопқонни катак олдидаги қумга кўмган экан...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## "ПОЛ РОБСОН"НИНГ "ШОФЁР" БЎЛГАНИ

***Занжилардай қоп-қора Жўнашевнинг лақаби "Пол Робсон" эди.***

***-"Пол Робсон"га саломлар, - уйчилик Мирасалов телефон қилиб қолди. – Менда ҳам, Чортоқда ҳам машина йўқ. Агар Попга борсалар...***

-Оп кетаман.

...Учовлон Попдаги мудирлар кенгашига йўл олдилар: орқа ўриндиқда пўрим кийинган Мирасалов ва чортоқлик Мирбадалов, рулда ёқавайрон Жўнашев. Дастурнинг биринчи "тадбири" нонушта экан. Шотирлардан бири "Пол Робсон"нинг йўлига кўндаланг бўлди:

-Шофёрларга алоҳида жой қилинган.

"Шофёр"нинг энсаси қотди.

-Чойингизга ўлиб турганим йўқ, тақсир.

-Ундан нари, - деди дағал муомаладан оғринган мезбон бетакаллуфлик билан ва ортиқ қистамади.

Беш дақиқача машинада сўррайиб ўтирган "шофёр"га ўз ҳолидан алам ўтди ва бояги "тақсир"га иддао қилди:

-Мен олиб келган анави бир жуфт балохўрга Жўнашев жўнаяпти, деб қўясиз. Уйинг куйгурлар чиқса чиқди, бўлмаса мен кетдим.

У ҳам бор гапни оқизмай-томизмай, ҳатто ёнига қўшиб-чатиб етказа қолди:

-Шофёрларингиз қанақа одам? Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Шундай дедики...

"Хушхабар"дан кайфи учган мудирларнинг томоғига овқат тиқилаёзди. Икковлон оёғи куйган товукдай патирлаб ташқарига отилишди:

-Узр-маъзур, муҳтарам, "Пол Робсон". Ош устида меҳр кетар бўпти, бир қошиқ қонимиздан кечақолинг ва ҳоказо.

Ҳалиги мезбон "хира"нинг ғаройиб исми-шарифидан бир таажжубланса, савлатидан туя ҳуркадиган мудирларнинг "шофёр"га ялиниб-ялтоқланишидан икки карра ҳайратланиб анқайди.

**Рустамжон УММАТОВ**

## ЎТНИКИ ЎТГА, СУВНИКИ СУВГА...

***Ҳамидулло бозорга устаси фаранглардан. У етти ўлчаб бир кес, деган нақлга амал қилиб бирор нарса харид қилишдан олдин расталарни обдон айланади. Нарх-наво «об-ҳаво»сидан пухта хабардор бўлгач савдога киришади.***

Бу сафар ҳам эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларнинг энг арзонини топиб харид қилди. Айниқса, бир кило гуруч сотиб олаётганда унга омад кулиб боқди. Деҳқон йигит бошқа харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиб турганида, у 500 сўм пулни... бермай жуфтакни ростлади. Мабодо бу ҳийласи фош бўлиб қолса, «кечирасиз, сал хаёлим паришон», деймам, деган баҳона ҳам тайёрлаб қўйди. Лекин ҳартугул баҳона фойдага қолди.

«Гуруч операцияси»ни муваффақиятли амалга оширган қаҳрамонимиз тежалган пулга режада йўқ нарса сотиб олишга аҳд қилди. Эрталаб хотинига, «ошга ҳар доимгидек тухум ҳам бўлаверади», деган Ҳамидуллонинг сахийлиги тутиб нақд 1000 сўмни гўштга ажратди...

Бугунги бозордан ўта кўтаринки кайфиятда қайтган Ҳамидуллонинг қувончи дастурхонга ош сузиб келтиргунга қадар давом этди. Паловда гўшт ўрнида яна тухумни кўргач, у хотинига ўшқирди:

-Эй аҳмоқ, Мен гўштни виставкага обкелдимми?

- Қанақа гўшт, дадаси? - хотини унинг саволига савол билан жавоб қайтарди - ҳазиллашяпсизми? Бозор халтангизни ағдар-тўнтар қилиб кўрдим. Ҳеч қандай гўшт-пўшт йўқ.

Ҳамидулло нима бўлганини тушунди-ю оғир хўрсиниб, дардини ичига ютди. Аммо қишлоқда эртасигаёқ Ҳамидуллонинг гуручни «бепул» олгани-ю, қассобга 1000 сўм пул бериб гўштни олмай жўнаворганлиги дув-дув гап бўлди.

**Мўйдинжон СОБИТОВ**

# ЯШИЛ БЕЛБОҒЛАРИНГ БОР БЎЛСИН, СИРДАРЁ!

(Боши 1-бетда)

Биз "Голодностепстрой" ҳудудий бошқармасининг олтмишинчи-етмишинчи йиллардаги рапортларини яхши эслаймиз. Ўшанда ҳам миллионлар тилга олинарди, бироқ сувсизликдан ва қаровсизликдан кўчатларнинг ярмидан кўпи қуриб кетарди. Ҳозир Сирдарёнинг бутун ҳудудини яшиллик, гўзаллик, латофат қамраб олган.

Ўтган ҳафтада вилоятнинг бир неча туманларини, агросаноат тизимидаги ўндан ортиқ хўжаликларни айланиб чиқдик. Биз нафақат вилоят қиёфасидаги бугунги ўзгаришдан фахрландик, балки одамлар қалбида юртни обод қилишга бўлган уйғонишдан таъсирландик. Ўз хоҳиши билан кўчат экишда қатнашмаган бирорта ҳам одам қолмабди. Бу тадбир мажбурий шанбалик тарзида эмас, эркин ҳашар йўли ва юртни севиш ҳисси билан ўтказилибди.

Ўрмон хўжалиги бошқармасининг айрим мутахассисларини сирдарёликлар ҳисоботидаги 6 миллиондан ташқари яна бир рақам – 12 миллион ҳайратлантирди. Воажаб, бунга қандай қилиб эришиш мумкин, дейишди улар. Ҳа, ишонинг, бу йил эрта баҳорда вилоятда 12 миллион туп терак ва тол қаламчалари экилди. Ана шундай қаламчалар экилган далаларнинг атрофлари, йўл ёқалари, ариқ бўйлари, алоҳида ерлар ажратилган теракзорлар ҳозир яшилликдан яшнаб турибди. Одамлар томорқасига экилган терак ва толлар ўн икки миллион ҳисобига кирмайди.

Ўзбекистонда тол билан теракнинг аҳамиятини таърифлашга ҳожат йўқ. Уйнинг мустаҳкамлиги, ҳавонинг мусаффолиги, хордиқнинг оромбахшлиги ана шу дарахтларнинг кўплиги билан боғлиқ эканлиги қадимдан маълум. Бироқ кейинги икки-уч йилда вилоятда бу борада эътиборсизлик ва ҳафсаласизлик кузатилди. Шунингдек, вилоятнинг ер ва иқлим шароитида ихота дарахтларининг ҳам аҳамияти беқиёс. Лекин кейинги йилларда вилоятда ихотазорлар камайиб кетганлиги ҳам бор ҳақиқат. Пахта далаларининг, боғ ва узумзорларнинг, сабзавот ва полиз пайкалларининг, чўлдаги қишлоқларнинг атрофлари очилиб, ҳувиллаб қолди. Қишнинг аёвсиз изғиринию ёзнинг ёқимсиз гармсели нафақат ерга ва экинга, балки одамзод-у жонзотга ҳам зарар келтира бошлади. Агар бунинг олди олинмаса, бошқа барча саъй-ҳаракатлар беҳуда. Шунинг учун бу масала қишда ҳар бир туманда вилоят фаоллари иштирокида кўриб чиқилди.

Шароф Рашидов тумани маркази – Пахтаободда шу масалага бағишланган йиғилиш борарди.

- Ҳозир Гулистондан келаётиб йўлнинг икки четидаги манзарага эътибор бердим. Кўплаб дарахтлар кесилиб кетган, борлари ҳам қуриб қовжираб қолган, жуда хунук манзара. Ҳатто йўл бўйидаги боғлар ҳам сийраклашиб, қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилибди, - деди вилоятнинг янги ҳокими Равшан Ҳайдаров ва вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғига мурожаат қилди:

- Одилов, қани айтинг-чи, бундай аҳволдан қутулиш учун нима қилиш керак?!

-Бу дарахтлар асосан олтмишинчи йилларда экилган.

Энди улар қариди. Соғларини қолдириб, бошқаларининг ўрнига янгиларини экиш керак, - деди Одилов. – Дарахтлар экинни гармселдан, ерни эрозиядан сақлайди. Умуман, ернинг ширасини кўпайтиришда дарахтнинг аҳамияти катта.

- Фақат бугина эмас, - вилоят ҳокими унинг гапини бўлди: - Юртимиз обод ва кўркам бўлса, боғларимиз, дов-дарахтларимиз кўпайса ҳаётимизга файз-барака киради. Бугундан бошлаб шу иш билан жиддийроқ шуғулланинг. Биздан қандай ёрдам керак бўлса – берамиз.

Қишда режалар тузилди, имкониятлар изланди, бошқа вилоятлардаги кўчат етиштирувчи хўжаликлар билан алоқалар ўрнатилди, вилоятнинг ўзида янги питомниклар ташкил қилинди, айрим дарахтларнинг уруғлари экилди. Эрта баҳорда эса терак, тол ва ток новдаларидан қаламчалар тайёрланди. Бундай савобли ва саховатли ишдан ҳеч ким четда қолмади. Натижада вилоятни яшил белбоғлар билан безашда одамларнинг ҳайратини ошириб, ҳавасини кетирадиган натижаларга эришилди. Турли жойларга миллионталаб экилган мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларидан, терак ва тол қаламчаларидан ташқари алоҳида хўжаликларда жами 200 гектар майдонда янги боғлар ва токзорлар барпо этилди. Сирдарё туманидаги Собир Раҳимов номли, Оқолтин туманидаги Мусамуҳамедов номли, Ховос туманидаги Бобур номли ва "Ширин" хўжаликларида, шунингдек Боёвут туманидаги бир қатор хўжаликларда ташкил этилган янги боғлар ва токзорлар шулар жумласидандир. Вилоятда биринчи марта жийдазор ҳам ташкил этилди.

Арчанинг хосияти ҳақида кўп эшитганмиз. Бироқ унинг ҳовлимизда, кўчамизда, қишлоғимизда, шаҳримизда пайдо бўлишига кўп аҳамият бермаймиз. Арча ҳақида гап борса, унинг тоғда ўсишини биламиз, холос. Сирдарё вилоятида арча бу йил ҳар бир шаҳарга ва туман марказига кириб келди. Жами 12 минг туп арча кўчати ўтказилди. Шунинг уч минг тупи Гулистон шаҳрига тўғри келади. Игна баргли гўзал дарахт шаҳар чиройига чирой қўша бошлади. Бундан ташқари шаҳарнинг кўча ва ҳиёбонлари, маҳалла ва турар-жой кварталлари 15 минг туп мевали ҳамда 105 минг туп манзарали дарахт кўчатлари билан безанди. Яшилликка, яъни гўзалликка бурканишда туманларнинг марказлари вилоят марказидан қолишмади. Йўлингиз тушса, уларни кўриб гўзалликдан баҳраманд бўлинг.

Юртни обод ва кўркам қилишдаги бу катта ўзгаришлар, шубҳасиз, бутун вилоят аҳолиси меҳнатининг маҳсули. Савоб ишдан ҳеч ким, ҳеч бир хонадон, маҳалла, идора четда қолгани йўқ. Юксак даражада уюшқоқлик кўрсатилди. Сўкмасдан, турткмасдан, камситмасдан, мажбурламасдан, дўқ-пўписа ва буйруқбозлик қилмасдан, аксинча, раҳбарликнинг одамийлик мезони – яхши гап ва хушмуомалалик билан одамларда уйғониш пайдо қилиш ва ташаббус туғдириш намунаси кўрсатилди. Энг муҳими, ҳаммасига яхши гап билан эришилди. Яхшидан боғ қолади, деганлари шу-да.

Бундай саховатли ишга муносиб ҳисса қўшган идоралардан бири – вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси ҳақида икки оғиз алоҳида гап. Бошқарманинг вилоятда олтита ишлаб чиқариш участкаси бор. Булар "Янги ҳаёт", "Янгиер", Навоий, "Истиқлол", "Ширин", "Малик" участкаларидир. Ҳар бири ишлаб чиқаришнинг бир турига ихтисослашган. Жумладан, "Ширин" участкасида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. Янги питомник – кўчатхона шу ерда ташкил этилди. Бу йил дастлабки етиштирилган кўчатлар ҳисобидан 20 гектар ўрмонзор барпо қилинди.

-1997 йилда сирли Сайхуннинг эски ўзанлари ўрнида "Қолган сир" ўрмон хўжалиги ташкил этилган эди, - дейди биз билан суҳбатда вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Эшонқул Одилов. – Бу йил дарё бўйидаги қаровсиз ерлар, ботқоқликлар, тўқайзорлар ўрганиб чиқилиб, ана шу хўжаликнинг ҳудуди қарийб беш минг гектарга етказилди. Шунинг 1050 гектари табиий ўрмонзорлар.

Биз ана шу хўжалик ҳудудини айландик. Фақат табиий ўрмонзор-у тўқайзордан иборат эмас бу ҳудуд. Мафтункор яйловлар, поёнсиз далалар ва боғлар, кўллар ва ирмоқлар, кўплаб ҳордиқ масканлари, осмонда учиб, кўлларда сузиб юрган ёввойи паррандалар ва қушлар Сайҳуннинг соҳилларига сирли бир сокинлик, гўзаллик ва латофат бағишлабди. Тўғри, дарё сувининг кўтарилиши бироз ташвиш туғдирибди. Бироқ бу ташвиш ўткинчи. Сувнинг сероблиги яшилликнинг, ҳаётнинг умрбоқийлигидан, қут-баракадан нишона. Сирдарёликлар сувдай сероб бўлишсин. Яшилликка интилиш, юртни янада обод ва кўркам қилиш истаги ҳамда ана шу истак йўлидаги куч-ғайрат уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Шоҳи сўзанадек ярашиқли яшил белбоғларинг муборак, азим Сирдарё!

**Иброҳим НОРМАТОВ**





**"Намангандонмаҳсулот" акциядорлик уюшмасидаги тегирмон цехи Россия ва Украинада ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозланганди. Натижада бир кунда 250 тонна дон янчилиб, харажатлар 1,5-2 баробарга камайди.**
**СУРАТЛАРДА: корхона ходимлари К.Жамолов (чапда) ва З.Шаҳмамедов (ўнгда).**

Т.МАҲКАМОВ олган суратлар.

# АДВОКАТ ЎЗ МИЖОЗИ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

Тергов органи эса шу вақт ичида гумонланувчи ва айбланувчидан ҳар хил ғайриқонуний усуллар билан нотўғри кўргазмалар олиб, ишни чигаллаштириб юборади. Шунинг учун адвокатга маълум жиноят иши бўйича ҳимояни амалга ошириш ҳуқуқи берилган кундан бошлаб, жиноят иши материаллари билан тўлиқ танишиб чиқиш ҳуқуқини бериш ҳамда тергов ва суд органларидан адвокатни гумондор, айбланувчи, судланувчи билан ҳоли учрашувига адвокатлик ордерининг нусхасини кўрсатиб, тергов ва суд органининг рухсатисиз учрашиш ҳуқуқи қонунда аниқ кўрсатиб қўйилса, ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишда адвокатларга бирмунча енгиллик бўлар эди.

Ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишда қонун талабларига риоя қилиш ҳалигача собиқ тузум қолдиқларидан ҳоли бўлмаган. Баъзи шахсларнинг айби билан ҳимоя ҳуқуқини аниқ амалга оширишда тўсиқлар юзага келаяпти. Мисол учун, Жиззах вилоятининг Жиззах тумани ички ишлар бўлимидаги вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасида сақланаётган Абдурозиқ Абдуқодиров билан учрашишга тергов органи томонидан рухсат борлигига қарамай, бошлиқнинг учрашув ўтказиш жойи банд баҳонаси билан икки соатдан ортиқ вақт ўтказиб юборилди. Боз устига айбланувчи А.Абдуқодиров билан ҳоли учрашувга рухсат этилмади. Ҳибсхона ходимига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддаси талаби тушунтирилиб, ҳоли учрашувга шароит яратиб беришга мажбур эканлиги айтилган бўлса-да, раҳбариятнинг топшириғи, деб туриб олди. Лекин шу вақтда Жиззах тумани ички ишлар бўлими раҳбарларини топиш имконияти бўлмади. Начора, айбланувчи билан ҳоли учрашув бўлмади, у ўз дардини эркин фикрлаб беролмади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 52-моддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйиш белгилаб қўйилган. Аммо, тергов органлари қонуннинг бу талаблари қўпол равишда бузиб келмоқда. Ҳаттоки, адвокатларнинг имзосини қалбаки равишда расмийлаштириб, адвокатнинг ишда реал иштирокини таъминламасдан ишни судга айблов хулосаси билан юбориб, айбланувчиларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўйилмоқда. Биргина 2002 йилда Қизилтепа туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмасига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 169-моддаси 3-қисми билан айбланган Муродилло Содиқов, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган К.Явқочова, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган И.Худоёров ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси билан айбланган Бахтиёр Халиловнинг жиноят ишлари бўйича уларнинг ҳимоя ҳуқуқини тушунтиришда адвокатнинг реал иштирокини таъмин этмасдан, терговчилар томонидан қалбаки протокол тузиб, адвокатлар С.Норқулова, И.Собировларнинг имзоси сохталаштирилган. Шунга ўхшаш ҳимоя ҳуқуқи билан боғлиқ ҳужжатларни сохталаштириш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми билан айбланган Амин Ҳамроев ва В.Алобовларнинг жиноят ишларида ҳам мавжуд.

Яна бир мисол. Навоий шаҳрида яшовчи Гулистон Ҳайитова ва Норпўлат Сайфуллаев томонидан Навоий вилоят адвокатлар ҳайъатига тушган аризага эътиборингизни жалб этишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Улар Навоий вилоят ИИБ тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "А" банди ва 209-моддаси 2-қисми билан гумонланганлар. Б.Толибов ва М.Муродовларни ҳимоя ҳуқуқларини тушунтириш баённомаси тузиб, Навоий шаҳар ҳуқуқ маслаҳатхонаси адвокати М.Кенжаев иштирок этган, деб кўрсатилган. Суд мажлисида судланувчилар М.Муродов ва Б.Толибовлар ўз кўргазмасида адвокат М.Кенжаев тергов ҳаракатларида қатнашмаганлигини, уни танимаслигини айтган. Суд мажлисида адвокат М.Кенжаев жиноят ишининг 2-том 281 ва 303-бетларида ҳимоя ҳуқуқларини тушунтириш ҳақидаги баённомалардаги имзолар уники эмаслигини, умуман бу тергов ҳаракатларига қатнашмаганлиги ҳақида кўрсатма берди. Суд ушбу жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришда терговчи Б.Ғафуров томонидан Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 53-моддаси талаби қўпол равишда бузилган, деб жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ҳақида ажрим чиқарган. Лекин Навоий вилоят жиноят ишлари бўйича суди ушбу жиноят ишларини кўриб чиқиб, қонунга хилоф равишда суднинг ажримини бекор қилиб, жиноят ишини бошқа судда кўриш ҳақида ажрим чиқарган.

Адвокатлар орасида ўз мижозларининг ҳуқуқини доим тўғри ва тўла ҳимоя қилмайдиганлари ҳам мавжуд. Аммо улар ўз мижозларига ҳуқуқий ёрдам беришда маъмурий орган ходимлари қонун нормаларини тўғри бажармаса, адвокатлар мижозларининг ҳуқуқини тўлиқ, объектив ҳимоя қилолмайди. Бу борада ҳали ечилиши керак бўлган қатор муаммолар мавжуд.

**Абдимурод ПИРНАЗАРОВ,**
**Навоий шаҳар ҳуқуқ маслаҳатхонаси мудири.**

## БОЙСУНДА ЯНА БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Жумладан, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн байрам қатнашчиларини қутлар экан, ўзбек халқининг ноёб ва ранг-баранг оғзаки ижодига дунё миқёсида қизиқиш тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, фестивалда мамлакатимиздан ташқари Япония, Жанубий Корея, Франция, Тожикистон каби ўнга яқин давлатдан келган санъатшунос-фольклоршунослар, тарихчи-этнографлар иштирок этмоқда.

Шундан сўнг «Бойсун», Самарқанднинг «Қизғалдоқ», Хоразмнинг «Достон» каби фольклор-этнографик дасталари иштирокида катта байрам концерти берилди.

Фестивал доирасида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган фольклор-этнографик дасталар, бахши-оқинлар бир неча кун давомида халқимизнинг бой ва бетакрор оғзаки ижоди намуналарини намойиш этади.

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ). Россия Федерацияси алоқа йўллари вазирининг биринчи ўринбосари, «Андрей Первозванний» жамғармаси ва Россия Миллий ифтихор маркази Васийлар кенгаши раиси Владимир Якунин раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 май куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлди.***

1992 йилда ташкил этилган ушбу жамғарма дунё халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, «халқ дипломатияси» ёрдамида миллатлар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлаш, диний ва маданий бағрикенглик тамойиллари тарғиботини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Россия диний ва маданий соҳаларда кенг миқёсли алоқалар ўрнатгани мамнуният билан таъкидланди. Томонлар икки мамлакатнинг мазкур йўналишдаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилиши мумкин бўлган янги хайрли тадбирлар юзасидан фикр алмашди.

Шу куни делегация аъзолари Тошкент ислом университети талаба ва ўқитувчилари билан ҳам учрашди.

# "ҚУРТ ЖОНДИН КЕЧИБ ИПАК БЎЛДИ..."

(Боши 1-бетда)

Жарқўрғон пилла етиштиришда ҳамиша илғор. Буни бутун Сурхондарёда яхши билишади. Туман пиллачиликда мустаҳкам базага эга. 244,7 гектар ерда тут плантацияси мавжуд. 3 миллион 312 минг туп баланд танали, йўл ва зовур ёқаларида экилган тутлар бор. Қўшимча равишда яна 236 минг туп тут кўчати ўтказилди. Барг муаммоси йўқ ҳисоб. Бу йил ҳам совуқнинг зарар келтирганига қарамасдан пиллакорлар тут баргидан қийналишмади.

Жарқўрғонликлар пиллачиликда ўзига хос тажрибага эгалар. Бу 30-40 йиллаб ипак қурти боқадиган оилаларнинг тажрибасига таянишида яққол намоён бўлади. Уларнинг ипак қуртини боқишга меҳри алоҳида. Иқтисодий манфаатдорлик гоҳо яхши, гоҳо паст, лекин пиллачи оилалар ҳар йили ипак қурти боқади. Кўнгиллари шунга ўрганган. Бу оддийдай туюлади. Аммо бунда ўзбекона меҳр, ўзбекона бағрикенглик кўринади. Айни пайтда унутмаслик керакдай, меҳнат азизланганда, аслида инсон азизланади. Гоҳо пилланинг нархи арзонлиги, гоҳо унинг пули ўз вақтида берилмаслигида "пиллачи опа"ларнинг фидойилиги суиистеъмол қилинаётгандай туюлади. Бироқ бу йил жарқўрғонлик пиллачилар хурсанд. Маҳсулотнинг асосий қисми 1- ва 2-навларга топширилди. Ҳозир 1-нав пилланинг килограммига 900 сўмдан, 2-нав пилланинг килограммига 700 сўмдан ҳақ тўлашга қарор қилинди. Пиллакорлар тезлик билан бу пулни олса, уларнинг қўллари ҳам, юраклари ҳам бирдан исийди.

"Жарқўрғонпилла" ОТҲЖ раиси Соат Жумаевнинг айтишича, туманда ҳали топшириладиган пилла кўп. Пилла қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Туман режага қўшимча равишда яна 8 тонна пилла тайёрлашни, жами хирмонни 125 тоннага етказишни мўлжаллаяпти.

Н.Боймуродов номли, А.Навоий номли, Т.Шобуров номли ва "Оққўрғон" хўжаликларида пиллачиликнинг салмоғи баланд. Улар 18-19 тоннадан хомашё тайёрлаб, аллақачон режани уддалаб қўйишган.

Жарқўрғонда пилла хирмони бўйлаётир. Пиллачилар тўйлаётир. Элимизнинг яхши кунлари илоё кўпаяверсин.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

***ҚАШҚАДАРЁ. Қарши туманидаги Чўли ота ширкат хўжалигида вилоят қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, баҳорги экиш мавсумининг бугунги аҳволи, ғалла парвариши ва ўрим-йиғимга тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда мутасадди вазирликлар ходимлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари, хўжаликлар ва уюшма раислари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Таъкидландики, вилоятда иқтисодий ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилаётгани боис, кўклам серёғин келишига қарамай, чигит қадаш тугалланди, пешқадам хўжаликларда ниҳол парвариши бошлаб юборилди. Йиғилишда, шунингдек, ғаллачиликдаги ютуқ ва камчиликлар бўйича республика ишчи гуруҳининг хулосалари муҳокама этилди. Мавжуд аҳвол атрофлича таҳлил этилиб, долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

***

Худди ана шундай йиғилиш Самарқанд вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков бошқарди. Мажлисда Самарқанд вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**(ЎзА)**

(Боши 1-бетда)

Ва айни дамда ўзи ҳам ҳақиқий эътибор, ривож топмоқда. Эндиликда Самарқанд кўчаларида юрган киши ўзгача ғурур, ўзгача фахр ҳис қилади. Гўзал ва нурафшон, гулу гулзорлар билан ороланган, қалбингизда эзгулик уйғотувчи ҳикматлар битилган кўргазмалар билан жиҳозланган кафтдек текис Самарқанд – Хартанг йўли сизни буюк муҳаддис Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг муборак зиёратгоҳларига элтади. Унинг ҳозиргидек гўзал ҳолатга келишида Самарқанд автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси жамоасининг меҳнати катта. Самарқанд – Каттақўрғон, Дахбед – Хўжа Исмоил, Дахбед – Чархин оралиғидаги йўллар ҳам ана шу жамоа қаровида сақланмоқда.

# ҚАДИМ ЙЎЛЛАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



Махдуми Аъзам Дахбедий, Ал Мотуридий, Ҳазрати Довуд пайғамбар, Дониёл пайғамбар ва яна кўплаб азиз авлиёлар зиёратгоҳларига борувчи йўллар ҳам ҳар жиҳатдан эътиборга олинмоқда.

Йўл ва унга муносабат масаласида вилоят автойўл давлат акционерлик бирлашмаси раиси Аҳтам Мадиев билан қилган қисқача суҳбатимиз мароқли кечди. У киши манзилга элтувчи йўлларга истибдод йилларида деярли эътибор берилмаганлигини, ҳатто йўлдан фойдаланганлик учун йиғиладиган пуллар ҳам марказ ихтиёрида бўлганлигини, шу боис таъмирлаш, асфальтлаш, янги йўллар қуриш каби катта юмушлар оғир муаммо бўлиб келганлигини афсусланиб гапирдилар. Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан сўнггина қишлоқ йўлларига ҳам эътибор кучайтирилди. Аҳоли яшайдиган посёлкаларда ички йўллар ҳам асфальтланиб, лой ва чанг кўчаларга тош ётқизилди.

Самарқанд шаҳри кўчаларини созлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хорижлик меҳмонларнинг қадами узилмайдиган зиёратгоҳ шаҳар йўлларини янада равон, обод қилиш ишига вилоят ҳокимлиги бош-қош. Бу катта тадбирда мана бир йилдан ошдики, барча қишлоқ туманлари автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармалари, ташкилот ва корхоналар, жамоалар фаол қатнашишмоқда. Катта уюшқоқлик билан давом эттирилаётган хашарлар туфайли шаҳар қайта яшармоқда.

Йўлсозлар узоқ йиллардан буён махсус техника воситалари олишолмай қийналишарди. Вилоят ҳокимининг ёрдами билан қатор хорижий мамлакатлардан асфальт кўпорувчи, асфальт тўшовчи, текислаб зичловчи замонавий воситалар олиб келинди. Яқиндагина яна 20 та "МАЗ" русумли самосвал, 4 та автогрейдер, 2 та экскаватор, 4 та бульдозер харид қилинди. 2002 йилда 6 миллиард 171 миллион сўмлик ҳажмдаги таъмирлаш-сақлаш ишларини амалга оширган вилоят йўлсозлари яратилаётган имкониятлардан келиб чиқиб янада катта ютуқларга эришиш учун бел боғлаганлар. 2493 киши меҳнат қилаётган жамоа 2003 йили 700 километр йўлни таъмирлашни режалаштирган. Улар режани ошириб адо этишдан ташқари, шаҳарни ободонлаштириш ишларида узлуксиз қатнашиш ниятидалар.

Айтишнинг мавридими, йўқми билмадигу, ҳар ҳолда жазм этаяпмиз. Қўшни вилоятларда бўлганимизда "Самарқанд йўллари унча обод эмас", деган гиналар қулоққа чалиниб қоларди. Бунинг сабабларини тушунтириш имкони ушбу мақолада туғилди, чоғи.

Самарқанд бошқа шаҳарлардек текисликда жойлашмаган. Паст-баландликлардан иборат тоғ ён бағридадир. Шаҳарни бир неча жойидан бўлиб ўтувчи Сиёб ариғининг ирмоқлари 40-50 метрлар чуқурликда оқади. Бундай табиий ноқулай шароитда йўллар ҳам пасту баланд жойлашувга эга. Техникалар ғилдираклари эса пастга энганда ҳам, юқорига тирмашганда ҳам йўлнинг "яғринини" эзғилайди.

Аэропорт ва автошоҳбекат билан шаҳар марказини боғловчи йўлнинг Й.Охунбобоев номи билан аталувчи қисми икки жойда Сиёб ариғи устидан ўтади. Барча меҳмонлар Кўксарой майдонига ана шу йўл орқали келишади. Жарликларни оралаб ўтишни тақозо этувчи бу жойнинг табиий ноқулайлиги шунчаларки, йўлнинг Сиёб ариғи устидан ўтадиган қисмини лоақал рисоладагидек сақлаб туриш имкони ҳозирча йўқ. 20-30 метрлар чамаси юқорилатилган йўл аслида яна шунча кўтарилса, ҳалқоблик йўқолади. Бунинг эса ҳозирча иложи йўқ. Шу боис ҳудудда қишу ёз таъмирлаш ишлари тўхтамайди. Ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам мардона ишлаётган йўлсозларга эса, минг раҳмат.

Йўллардаги кескин бурилишларнинг, чорраҳаларнинг саноғи йўқ. Тинимсиз тормозланишлар, бурилишлардаги меъёрсиз ҳаракатланишлар ҳам ўша ҳудудларда йўл "умрини" қисқартиради. Қадим Каттақўрғон, Ургут шаҳри йўллари ҳақида ҳам шу гап.

Ургут, Нуробод, Қўшработ туманларининг йўллари асосан тоғлар бағрида. Пайариқ, Булунғур туманлари йўллари ҳам тоғларга туташиб кетган. Шу боис табиий офатлар, кучли ёғингарчиликлар ҳар йили ўнлаб чақирим йўлларни вайрон қилади. Йўлсозларнинг ёз бўйи қилган меҳнатлари сувга оқади ҳисоб. Бу масаланинг бир жиҳати.

Яна бир мушкуллик вилоятнинг айрим ҳудудларида ер ости сувларининг юза жойлашуви билан боғлиқ. Масалан, Пахтачи, Нарпай, Булунғур туманларида бир қисм йўл билқиллаб турган балчиқ устида қолади, ана шу ноқулайлик сабаб соз ҳолатини узоқ тутолмайди.



Муҳим сабаблардан яна бири вилоятда техника воситаларининг кўплиги, қатновнинг узлуксизлиги билан изоҳланади. Самарқанд йўллари Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларини пойтахт ва бошқа вилоятлар билан боғловчи чорраҳа вазифасини ўтайди. Тинимсиз ҳаракатдаги оғир юкли хорижий автокарвонлар ғилдираклари ана шу чорраҳа бўйлаб айланади. Хуллас, Самарқанд йўллари гарданидаги юк оғир, табиий устунлар – таг замин эса хийла мураккаб. Бу ночорликни мустабид тузум даврида йўл қурилишига кам эътибор қаратилганлиги, қилинганда ҳам сифат унутилганлиги, катта ўзлаштиришларга, қоғозбозликларга йўл қўйилганлиги билан ҳам изоҳлаш тўғрироқ бўларди. Биз эса бугун ўтмишнинг ана шу жабрларини чекаяпмиз ва уни тузатиш учун астойдил курашаяпмиз.

Шу ўринда ўзимиздан ҳам ҳамон ўтиб турган хатоликлар хусусида тўхталиб ўтишимиз зарур, токи ўз қадамимизга танқидий нигоҳ ташламас эканмиз, оёғимиз лойда қолавериши тайин.

Очиғи, бизда йўлга муносабат маданияти жуда паст. Уйдаги чиқиндини кўчага тўкишдан тортиб, асфальтни кўпоришгача бўлган худбинликлар содир этилиб турилибди. Шаҳарда ҳаракатланиши тақиқланган техника воситалари кўзга тез-тез чалинади. Айниқса, йўл ҳудудига хуружлар қилинмоқда. Ургут шаҳрида буни яққол кўрамиз. Йўлнинг дахлсиз ҳудудларига ўзбошимчалик билан қурилган турнақатор бинолар техника ҳаракатини қисиб қўйган. Йўлчиларнинг арз-додларига ҳеч ким қулоқ солмайди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг "Автомобил йўллари тўғрисида"ги қонунида йўл учун ажратилган минтақадан фақат йўл қурилиши идораси фойдаланиши ёки унинг рухсати билан бошқа ишлар қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ургутда эса бу қонун қўпол равишда бузилмоқда. Тижорат дўконлари қизил чизиқларни ҳамон бемалол босиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика йўл фондини яратиш тўғрисида"ги (1993 йил 5 июл) қарори ижросини таъминлашда ҳам оқсашлар мавжуд. 2002 йилда туман бўйича йўл фондига 204 миллион сўм тушиши керак эди. Бироқ корхоналар, хўжаликларнинг йўллардан фойдаланганлик учун тўловларни вақтида, тўлиқ бажармаганликлари оқибатида 184 миллион сўм тўпланди, холос. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, йўлчилардан нолисак, иш талаб қилсагу, ўзимиз уларнинг ҳалол ҳақини тўлашдан бош тортсак! Шу ҳам инсофданми? Боз устига улар меҳнатини қадрламасак. Бекат қуришса – бузсак, бетон устунчалар ўрнатишса – ўғирласак, йўл белгилари ўрнатишса – нишонга олиб тош отсак, маънили ёзувлар битилган кўргазмалар ўрнатишса, ўқиб уқиш ўрнига бўяб-бежасак, ахир бу бедодлик эмасми?!

Энг ёмони, йўлга нотўғри муносабат баъзида оммавий тарзда содир этилмоқда. "Зарафшон", Й.Охунбобоев номли, А.Темур номли ширкат хўжаликларида ариқлар қазилиб, чиқарилган чўкиндилар йўлга ташланганлиги бунга мисолдир. Йўлчиларнинг огоҳлантиришлари, эътирозлари эса ҳамон эътиборсиз қолмоқда. Афсус, минг афсуски, Ургут туманидаги каби аянчли мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин. Шу сабабли вилоят автойўл давлат акционерлик бирлашмаси бош муҳандиси Аслам Алимов аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга, оммавий ахборот воситалари орқали йўлларга муносабат маданиятини шакллантириш масаласида чиқишлар қилишга жиддий эътибор бераётганликларини айтди. Бу хайрли ишга барча маҳаллалар фаоллари, корхоналар раҳбарлари, мактаблар жамоалари, зиёлилар, кенг жамоатчилик бош қўшсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Йўл ҳаммамизга, ҳамиша керак. Усиз бир қадам ҳам илгарилай олмаймиз. Шундай бўлгач, йўлни покиза, озода сақлаш, гулу гулзорларга, кўкаламзорларга буркаш, асраб-авайлаш, ножўя ҳаракатлардан муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг ҳамишалик бурчимиздир. Йўлга эътибор – юртга эътибор, келажакка эътибор дегани оддий қайд эмас, унинг замирида катта ҳикмат, барчанинг бирдай тушуниб етиши лозим бўлган фалсафа ётибди. У шундай фалсафаки, маъносини чақа оладиган халқларгина бу кенг дунё билан боғлана оладилар, келажагини қура оладилар.

Хуллас, Самарқанднинг йўлларига алоҳида эҳтиром, алоҳида ҳурмат кўрсатилмоғи лозим. Сабаби, бу йўллар кўп қадим, кўп азим йўллардир. Азиз авлиёлар, донишу фузалолар, буюк соҳибқиронлар юрган, эъзозлаган йўллардир. Она юртимизнинг ўтмиши, бугуни, эртаси билан туташ йўллардир.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ТЕРРОРЧИЛАР – АЁЛ КИШИЛАР

***Чеченистон прокуратураси чоршанба куни Илисхон-Юрт аҳоли пунктида диний байрам вақтида юз берган террор акти иштирокчиларининг исм-фамилиясини маълум қилди.***



Уларнинг бири 1951 йилда туғилган Зулай Абдурзакова, иккинчиси 1957 йилда туғилган Шоҳидат Шохбулатовалар. Тадбирда Аҳмад Қодиров бошчилигидаги Чеченистон раҳбарияти ҳам иштирок этган бўлиб, Қодировга ҳеч қандай шикаст етмаган. Террорчи-камикадзе аёллар журналист ниқобида қатнашганликлари учун уларнинг трибунага яқин боришларига рухсат берилган. Трибуна билан террорчилар орасида 2-3 метр масофа қолганида, уларнинг бири портловчи моддани ишга солишга улгурган ва улар билан бирга, байрамда иштирок этаётганларнинг кўплари ҳалок бўлишган. Дастлабки маълумотларга кўра, фожиа туфайли камида 14 киши ҳаётдан кўз юмган ва 40 га яқин киши жароҳат олган. Баъзи манбаларга кўра, ўлганлар сони 30 нафар атрофида бўлиши керак.

## ПХЕНЬЯНГА НИСБАТАН ИРОҚ УСУЛИ ҚЎЛЛАНИЛМАЙДИ

***Оқ уйда бўлиб ўтган учрашув чоғида АҚШ ва Жанубий Корея давлатлари раҳбарлари Жорж Буш ҳамда Но Му Хенлар Корея ярим оролини ядровий қуролдан холи ҳудудга айлантириш борасида қўшма баёнот қабул қилдилар.***



Президентлар учрашувининг бош мавзуси бўлиб Шимолий Кореянинг ядро қуролига эга бўлиш бўйича ҳаракатлари тилга олинган ва Пхеньяннинг бундай оммавий қирғин қуролидан воз кечиши учун тинчлик йўли билан музокаралар олиб боришга келишиб олинди. Шунингдек, бу борадаги саъй-ҳаракатларга халқаро ҳамжамият, хусусан, Россия, Япония, Хитой каби давлатларни ҳам жалб этиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Шимолий Корея масаласи бўйича 23-25 апрел кунлари Пекин шаҳрида Вашингтон ва Пхеньян ўртасида илк музокаралар ўтказилган эди. Айнан шу муаммо ҳақида фикр билдирган, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳам Шимолий Кореяга нисбатан Ироқ методи қўлланилмаслигини маълум қилган.

## САДДАМНИНГ ҚИЗЛАРИ БАҒДОДДА ЯШАЯПТИ

***Саддам Ҳусайннинг амакиваччаси Изеддин Ҳасан ал-Мажид Саудиянинг "Аш-Шарқ Ал-Аусат" газетасига телефон орқали берган интервьюсида собиқ президентнинг қизлари Рагда, Рана ва Ҳалалар ўз қариндошлари билан бирга Бағдодда яшаётганликларини айтган.***

Унинг билдиришича, Саддам Ҳусайн қизлари ҳарбий операциялар вақтида ҳам Ироқ пойтахтида бўлганлар. Ҳозирда улар Ироқ ҳарбийлари томонидан қўриқланаётган уйда туришибди ва бу ҳақда америкаликлар ҳам хабардорлар. Саддам Ҳусайннинг 6 нафар фарзанди бўлиб, уч қизидан ташқари, ўғиллари Удей ва Кусайларнинг онаси унинг биринчи хотини Сожида Хайрелла Тульфах бўлса, Али исмли ўғлининг онаси эса унинг иккинчи хотини Самира Шахбандар ҳисобланади. Президент қизларидан ташқари, "кимёвий Али" номини олган ал-Мажид Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари қаерда эканлиги ҳақида хабар йўқлигини ҳам айтган.



## БАЙТ-ХОНУНДА ИСРОИЛ ТАНКЛАРИ

***"Ha-aretz" газетасининг ёзишича, кеча 70 га яқин Исроил танклари Байт-Хонун шаҳридаги Фаластин ҳудудига бостириб кирганлар.***



Сўнгги бир неча ой ичида бундай катта миқдордаги техника билан исроилликларнинг фаластинликлар ҳудудига кириб боришлари кузатилмаган бўлиб, маълум бўлишича, Исроил армияси фаластинликлар томонидан уларга қарата учирилаётган қўлбола ракеталар яратилишига чек қўйиш мақсадида мазкур операцияни бошлаганлар. Чоршанба куни Женин шаҳрида юз берган тўқнашувларда эса уч нафар фаластинлик яраланган эди.

Эртага Қуддус шаҳрида Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос, мухторият парламенти спикери Абу Ала ҳамда ички ишлар вазири Муҳаммад Даҳлон билан музокаралар ўтказадиган Исроил бош вазири Ариэл Шарон келгуси ҳафтада Вашингтонда АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашади.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

ХИЗМАТ

## "ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ":
# ДЕҲҚОНГА КАМАРБАСТАМИЗ

***Хоразмда бу йилги кўклам мураккаб кечаяпти. Чигит қадалиб, баъзи экинлар бўй кўрсатаётган паллада ҳарорат бирданига пасайиб кетди. Ёмғирли кунларнинг кўп бўлганлиги ҳам талай муаммоларни келтириб чиқарди. Кўпгина далаларда чигит қайта экилди. Ноқулай об-ҳаво зараркунанда ҳашаротларнинг кўплаб тарқалиши ва ривожланишига қулай шароит яратди. Уларга қарши курашиш, униб чиққан ниҳолларни юқори талаблар асосида парваришлаш, керакли миқдорда озиқлантириш зарур. Вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмаси бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда?***



-Жамоамиз минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, зараркунанда ҳашаротларга, дов-дарахт ва экинларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш, шартномалар асосида сервис хизмати кўрсатиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда,- дейди бирлашма раиси Қаландар Рўзметов. - Жами 226 минг гектардан ошиқ экин майдони бўлган, шундан ҳар йили юз минг гектар атрофида пахта, 83 минг гектардан ошиқ майдонда дон, сабзавот, полиз ва бошқа маҳсулотлар етиштираётган, 12 минг гектарга яқин ҳосилга кирган ва янги ташкил қилинган боғу узумзорларга эга вилоят миришкорларига талаблар даражасида хизмат кўрсатиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Ҳосил мўл бўлишини, айниқса, воҳамиз шароитида минерал ўғит ва кимёвий воситаларсиз тасаввур қилиш қийин. Олимларимизнинг қайд қилишича, ўтмишда воҳа ерлари унумдорлигини маълум даражада Амударёнинг лойқали, бўтана суви таъминлаб турган. Ўтган асрнинг бошларида суғоришда ишлатилган минг куб метр дарё суви ҳар гектар экин майдонига 40 тоннагача микроорганизмларга бой турли хил фойдали чўкиндиларни олиб келган ва тупроқ юзасида йилига бир-икки миллиметрлик унумдор қатламлар пайдо бўлган. 1950-йилларда Тошсоқа каналининг бошланишида бир куб метр сувда 3 килограммдан 14 килограммгача чўкинди бўлган. 1974 йилда вилоятда ўтказилган илмий тажрибалар шуни кўрсатганки, лойқа сув билан ерлар шўрини ювиш, экинларни суғоришда йилига ҳар гектар ерга ўрнашган ўртача 40 тонна чўкинди таркибида 250 килограмм гумус, бир тоннагача калий моддаси бўлган. Ерларимиз 1983 йилдан буён лойқа сув кўрмаганлиги оқибатида бундай табиий манбалардан маҳрум бўлдик. Буларнинг барчаси минерал ўғитлардан аввалгига нисбатан кўпроқ фойдаланиш эҳтиёжини туғдирмоқда.

2002 йилда 120 ширкат, 2326 фермер хўжаликлари билан шартнома тузилиб, соф ҳолда 39750 тонна азотли, 9670 тонна фосфорли, 460 тонна калийли ўғитлар етказиб берилди. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларига минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш мақсадида вилоят бўйича 40 та дўкон ташкил қилиниб, 50 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Тўғри, буни талаб даражасида деб бўлмайди. Дўконлар орқали минерал ўғит сотишни ҳамма жойда ташкил қила олмадик. Жорий йилда минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш учун уларни ўз вақтида келтиришга катта эътибор қаратдик. Ўғитларни мақсадли ва ўз муддатларида ишлатишни таъминлаш, талон-торожликка йўл қўймаслик учун омборларда сақлашда тартиб ўрнатилди. Ғалла ва бошқа экинларни озиқлантириш, чигит экишдан олдин ишлатиладиган ўғитлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари билан келишилган ҳолда тарқатилди. Туманлар омборларида ва заҳира базамизда 40 минг тонна азотли, 1000 тоннадан ортиқ фосфорли ва 750 тонна калийли ўғитлар сақланмоқда. Уларни шартнома қилинган 108 ширкат ва 4291 фермер хўжаликларига ўз муддатида ва тўлиқ тарқатилиши қаттиқ назорат остида бўлади.

Бугунги кун талаби ишларимизни илмий асосда олиб боришни тақозо қилади. Вилоят "Агрокимё" станцияси ходимлари билан биргаликда ишлашни йўлга қўйдик. Улар хўжаликларда бўлишиб, тупроқ таркибини ўрганадилар ва ҳар бир пайкал бўйича агрохимкартограммалар тузадилар. Сув танқислиги рўй берганлиги сабабли ерларнинг шўрланиш даражаси ортиб, тупроқ унумдорлиги камайди. Шунингдек, кейинги уч йил ичида вилоятга ўғит етказиб бериш фонди ўртача соф ҳолда 8-10 минг тоннага озайтирилди. Шуларни ҳисобга олиб 2003 йил учун азотли ва фосфорли ўғитлар фондини кўпайтириш лозим бўлади.

Об-ҳавонинг салқин келиши, ёғингарчилик кўп бўлиши оқибатида сўрувчи ҳашаротлардан шира ва трипс кўплаб тарқалади. Ўтган йили кўсак қуртининг пайдо бўлиши ҳам пахтачилигимизга катта зиён етказди. Шуларни ҳисобга олиб, янги униб чиққан ниҳолларни зараркунандалардан сақлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу борадаги ишларимизга вилоят ҳокимининг "Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда ва касалликларига қарши кураш чораларини кучайтириш, биолабораториялар иш фаолиятини яхшилаш тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Ҳашаротларга қарши курашнинг биологик усулидан фойдаланишга катта аҳамият қаратмоқдамиз. Туманларда ва бирлашмамиз қошида ташкил қилинган 107 та биолабораторияларнинг барчаси фаолият кўрсатиб, ҳашаротларга қарши курашувчи биомаҳсулотлардан 282,6 килограмм трихограмма, 4110 минг дона брокон, 111274 дона олтинкўз ва кўплаб миқдорда бешиктебратарлар тайёрланди. Улар ёрдамида кимёвий дориларсиз минглаб гектар майдонга ишлов бериш мумкин. Мазкур усулнинг иқтисодий томонидан ташқари табиат мусаффолигини сақлашдаги аҳамияти ғоят катта.

Ўтган хўжалик йили 28784 минг сўмлик фойда билан якунланган бўлса-да, олдимизда ечимини кутаётган талай муаммолар ҳам турибди. Булар – кимё заводларидан олинган минерал ўғитлар учун маблағ ўтказишни ўз вақтида ҳал қилиш, бирлашма тизимидаги корхоналар ишчи-хизматчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун қўшимча маблағлар излаб топиш, агрохизматлар тури ва ҳажмини ошириш каби вазифалардир. Вилоятимиз деҳқонларига камарбаста бўлиб, уларнинг бу йилги ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори хирмон уюшларига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

**Суҳбатдош:**
**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Африка ва Евроосиёдаги ўтроқ қушларнинг муҳофазаси тўғрисидаги битим техник қўмитасининг йиғилиши ўтказилди. Унда Европа ва Африка мамлакатларидан экспертлар иштирок этди.***

## ҚУШЛАР МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда ўтказилган мазкур анжуман ҳам табиатнинг ноёб инъомларидан бири - қушлар муҳофазасига бағишланди. Тадбирда сўзга чиққан Африка ва Европа экспертларининг таъкидлашича, Ўзбекистон БМТнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенциясига аъзо бўлганидан буён ҳамкорлик алоқалари кучайган. Ушбу ҳамкорлик меваси сифатида "Қизил китоб"нинг янги нашри чоп этилган. Унда республикамиз ҳудудида яшовчи, бошқа минтақаларда кам учрайдиган қушларнинг 26 тури қайд этилган. Бундай қушлар асосан Фарғона водийси, Бухоро ва Қашқадарё воҳасида учрайди.

Тадбирда сўзга чиққан ҳар бир мутахассис бундай қушларни фақат асрашгина эмас, балки уларнинг ноёб турларини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

**"Туркистон-пресс"**

ДАВР

# СОЛИҚЧИЛАРНИНГ БОЗОРДАГИ ТАЯНЧ ШОХОБЧАСИ

***Ўрта Чирчиқ тумани деҳқон бозорида "Роватак" ширкатидан келиб, шахсий хўжалигида етиштирилган маҳсулотни сотаётган Малоҳат Эргашева билан суҳбатлашиб қолдик. У кўнглидаги гапларни шундай ифодалади:***

-Баҳордан кузгача шахсий хўжалигимизда турли сабзавотлар, резаворлар, мевалар пишиб етилади. Оиламиздан ортганини шу бозорга олиб келиб, сотамиз. Бу ерда пештахталар доимо шайлиги, теварак-атроф озодалиги, зарур шарт-шароитлар яратилганлиги туфайли шу бозорга келишни хуш кўраман. Бозор ходимларининг хушмуомалалиги ва ҳамиша кўмакка тайёрлиги бизни хурсанд қилади.

Ўша куни бозорда савдо қилаётган Вазира Шодмонова, Шафоат Маткаримова, Динора Усеинова, Мавлуда Охунжоновалар ҳам шундай фикр-мулоҳазаларни билдиришди. Улар мулоқот чоғида бозорнинг Мирзамаҳмуд Турсунбоев, Маҳбуба Алматова, Барно Мирзоитова сингари ходимлари савдо расталарида тартиб-интизом бўлишига, сотувчилар ҳамда харид қилувчилар учун қулайликлар яратилишига алоҳида эътибор беришларини таъкидлашди.

-Маҳсулот олиб келган деҳқонларнинг вақтини тежаш, улар учун шароит яратиб бериш мақсадида ташкил этилган "Савдо-харид корхонаси" яхши фаолият кўрсатмоқда, - дейди "Ўрта Чирчиқ тумани деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти раиси Тешабой Мирзакаримов. – Шу корхонанинг Гулчеҳра Султонова, Гулнора Исматова сингари ходимлари турли маҳсулотларни харид қилиб, уларни болалар боғчалари, шифохоналар сингари муассасаларга етказиб бермоқдалар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилинаётган расталарда, шунингдек, саноат моллари сотилаётган бўлимда ва бозоримизнинг Туябўғиз қишлоғидаги филиалида иш яхши ташкил этилиб, назорат йўлга қўйилганлиги туфайли кунлик пул тушуми режадаги 58,1 минг ўрнига 65,3 минг сўмдан ошмоқда.

Шу ўринда мазкур бозордаги яна бир ибратли ишга тўхталиб ўтиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасининг бозорлар фаолиятини такомиллаштиришга доир қарорлари талабидан келиб чиқилган ҳолда бу ерда Ўрта Чирчиқ тумани давлат солиқ инспекциясининг таянч пункти фаолият кўрсатмоқда.

-Бозорда сотилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишини изчил назорат қилиш, тадбиркорлардан солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ олинишини таъминлаш мақсадида ушбу таянч шохобчасини ташкил этганмиз, - дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Абдуаҳад Набиев. – Бу ерда Раҳим Халилов, Қодир Жиянов, Шавкат Расулов сингари мутахассисларимиз иш олиб бориб, бир йиллик солиқ тушуми 1 миллион 600 минг сўмдан ошишига эришдилар. Раҳимжон Анорбоев, Қодир Исаев, Манзура Йўлдошева, Шарофат Исломова каби тадбиркорлар солиқларни ўз вақтида, тўлиқ тўлашлари билан бошқаларга доимо ўрнак бўлиб келишмоқда.

Бозорга келтирилаётган маҳсулотларнинг сифати доимий равишда текширувдан ўтказиб турилганлиги, назорат тарозиларининг қўйилганлиги ва бошқа тадбирлар харидорларга кўнгилдагидек хизмат қилишни таъминлаяпти.

**П.ЭРГАШЕВ**



*СУРАТДА: Ўрта Чирчиқ тумани давлат солиқ инспекциясининг деҳқон бозоридаги таянч пункти инспектори Қодир Жиянов, бозор ходими Мухтабар Эсонбоевалар тадбиркор Шарофат Исломовага тегишли моллар ва ҳужжатларни кўздан кечиришмоқда.*

***Муаллиф олган сурат.***

# "БОРИ ЭЛҒА ЯХШИЛИК ҚИЛ"

(Боши 1-бетда)

Э, жўжабирдай жонман, менга дам олишни ким қўйибди, деса, оёғингиз оғришини биламиз, сиз борадиган жойнинг суви шунчалар шифобахшки, дард кўрмагандек бўлиб кетасиз, дея қўярда-қўймай буёққа жўнатишибди.

-Қишлоқ одамимиз, уёқ-буёққа чиқмаганимизгаям анча бўлиб қолган, устивош ҳам ҳалигидай... оҳори кетган, - дейди Шарофиддин ака, - хуллас, кенжамизнинг тўйига атаб боқаётган иккита қора қўчқорнинг биттасини сотиб, бундоғроқ кийимбош қилдим. Ёғингарчилик кўп бўлаётганини ҳисобга олиб ўғилларим 70 мингга битта чарм курткаям олиб беришди. Барака топишсин, чўнтагига унча-бунча пулам солиб қўйишди.

Бу томонларга биринчи келишим, Поезддан тушиб, Чортоққа қаердан борилишини сўрасам, "Набережная"-дан дейишди. Айтилган жойни топиб, қаторлашиб турган "Дамас"ларнинг бирига ўтирдим. "Мен сиҳатгоҳга бораман" десам, "Дамас"чи йигит "Э пахан, "чўғ"идан қизғанмасангиз, бас, айтган жойингизга қўндираман", деди.

Одам тирбанд бўлгани учун кўполлик қилмай, деб устимдаги япянги курткамни ечиб тагимга тахлаб қўйволдим.

Чортоқ марказида "Дамас" бўшаб қолди. Ҳайдовчи сўзида туриб, мени сиҳатгоҳ дарвозасигача олиб келиб қўйди. Ҳайдовчига раҳмат айтиб пулини тўлаб тушишим билан "Дамас" ўрнидан жилди. Шу пайт лоп этиб, тагимга қўйиб олганим чарм куртка эсимга тушди. "Ҳай-ҳай" дегунимча машинанинг қораси ўчди. Энг ёмони... бор пулим ҳам ўша куртканинг чўнтагида эди.

Шарофиддин ака шундай деб яна пешонасини ушлаб уф тортди.

-Оббо, чакки бўпти-ку, неча кун бўлди бунга? – сўради Саидориф ака.

-Бугун тўртинчи кун...

-"Дамас"нинг номери эсиздами? Ҳайдовчиси-чи?

-Қизил эди... қирқ еттисига бир кўзим тушгандек. "Дамас"чи қирқ ёшлар чамасида жингалак соч йигит эди.

-Оббо, номард, яхши одам бўлганда аллақачон келтириб берган бўларди, - деди Саидориф ака.

-Курткани чўнтагидаги пул қанчайди? – деди Аҳрор ака.

-Ўн минг сўм атрофида бўлса керак...

-И-ҳимм... яна бирор кун кутингчи, олиб келиб қолса ажаб эмас, - деди Аҳрор ака.

* * *

Оқшом кечки овқатдан кейин ўзлари яшаётган бино сари бораётиб, Аҳрор аканинг кўзи яна 5-бино рўпарасидаги ўриндиқда қунишиб ўтирган Шарофиддин акага тушди.

Кеча тушгача ёмғир ёғди. Бугун ҳам ҳавонинг қовоғи солиқ, ёғаман деб турибди. Тоғ томондан этни жунжиктирадиган изғирин шамол эсяпти. Қорнинг совуғига ўхшайди.

-Қаранг, совқотиб қопти бечора, - деди Аҳрор ака.

-Кечгача шу одамни ўйладим, қийин бўпти бечорага, - деди Саидориф ака.

-Шошманг, - деди Аҳрор ака хаёлига келган фикрдан қувониб, - бир иш қилсак. Эртага нонуштадан кейин Наманганга тушайлик. Ўша "Дамас"чини қидириб топайлик-да, чолнинг курткасини олиб келиб берайлик.

-Зўр иш бўларди-я, - деди Саидориф ака, - яхши одам бўлганда аллақачон олиб келиб берарди, куртканинг машинада қолганини тан олармикин! Буёғи, биз ҳам мусофирмиз, тағин ади-бади айтишиб...

-Э, буёғини менга қўйиб беринг, - деди Аҳрор ака.

Маслаҳат билан эртасига нонуштадан кейин Аҳрор ака сиҳатгоҳ гаражига қўйиб қўйган "Жигули"сини миниб чиқди. Саидориф ака ёнига ўтирди.

-Аввал ўша Чортоққа қатнайдиган машиналар турадиган "Набережная" бекатига борамиз, - деди йўлда Аҳрор ака, - сўраб-суриштирамиз. Худо хоҳласа, топмагунча қўймаймиз.

-Ишқилиб топайлик-да.

Бекатда турган қатор "Дамас"лар орасида қизил ранглиси кўринмасди. Оқ, яшил, кўк... Ие, ана орадаги қизил "Дамас". Аҳрор ака билан Саидориф ака тилла топгандек ўша томон юришди. Аҳрор ака машинага яқинлашибоқ номерига разм солди. Йўқ, у эмас...Улар машина олдига етиб келишлари билан бошига оқ дўппи кийиб олган, озғингина йигит югуриб келди.

-Қаерга, акалар?

-Биз бир кишини излаб юрибмиз, - деди "Дамас" ҳайдовчисига бошдан-оёқ синчковлик билан қараб Аҳрор ака, - униям "Дамас"и сизникидақа қизил эди. Номериям қирқ етти билан бошланармиди-е!

-Э, Турсун сариқми? – деди "Дамас"чи кўзлари ёниб, кейин бирдан жиддий тортди, икки нотаниш кишига эътибор билан қаради, - тинчликми ўзи, акалар?

-Тинчлик, тинчлик. Биз Тошкентдан, бир дўсти салом айтиб, бир нарса берворувди, - деди Аҳрор ака ҳайдовчини шубҳалантирмаслик учун, - шуни бериб қўяйлик.

-Тўғри, у Тошкентгаям тез-тез қатнаб туради, - деди ҳайдовчи.

-Ҳозир ўзи қаерда?

-Кўринмади. Бугун дам оляпти, чоғи.

-Уйини биласизми, бизга кўрсатиб қўёлмайсизми?

-Майли, занғарнинг иккита хотини бор, қайсинисиникидайкин... қани, юринглар-чи, - "Дамас"чи йигит шундай деб ёнидаги шеригига "бизни "тойчоқ"қа кўз-қулоқ бўлиб тур, мен тезда қайтаман" деб қўйди.

Йигит "чапга-ўнгга" деб йўл кўрсатиб борди. Ҳадемай, икки қанотли чоғроқ дарвоза олдида тўхташди. Кираверишда ҳовлини тўсиш учун бўлса керак, гулдор чойшаб осиб қўйилган экан.

-Турсунбой, Турсунбой, - деб товуш қилди бояги йигит. Ҳадемай, чойшаб ортидан аёл кишининг хаста овози эшитилди.

-Йўғидила.

-Қаёққа кетганлар?

-Айтмаганла...

Йигит машина томонга қайтиб келди.

-Демак, нариги хотининикида бўлиши керак, - деди у мийиғида жилмайиб, - қани ҳайдайверинг-чи.

Бу гал шаҳардан ташқарига анча чиқиб кетишди. Янги қурилган ҳовли-жойларни оралаб, темир дарвозали уй олдида тўхташди. "Дамас"чи йигит яна товуш берди. Ичкаридан новчадан келган сариқ юзли, сочлари қўнғироқдек йигит чиқди. "Дамас"чи йигит билан "Э, Ҳафизхон нечук шамол учирди", деб сўрашди. Аҳрор ака билан Саидориф акага қўл узатаркан юзларига хавотир оралади.

-Бизга курткани олиб чиқиб берсангиз, - деди томдан тараша тушгандек Аҳрор ака.

-Куртка! Қанақа куртка?! – деди йигит ранги оқаринқираб.

-Ўша машинангизда унутиб қолдирилган янги куртками-чи?

Турсунбой каловланди. Пўрим кийиниб олган икки нотаниш одамга синчковроқ қаради.

-Э-ҳа, уми? Турибди, турибди, мен ҳозир...

Турсунбой шундоқ деб ичкари кириб кетди-да, кўп ўтмай оҳорли жигарранг курткани кўтариб чиқди. Уни Аҳрор акага узатаркан:

-Олиб бориб бераман, деб ҳеч қўлим тегмади, йўлимам тушмади. - дея минғирлади.

-Чўнтагида пулиям бўлиши керак, - деди Аҳрор ака кўзини унга қадаб.

Турсунбой қўллари қалтираб куртка чўнтакларига қўл солиб чиқди.

-Хотин ҳазиллашган кўринади, - деди у, - қанчайди?

-Ўн минг сўм.

-Ўз қўлим билан санаган эдим, саккиз ярим минг сўмиди ака, тепада худо бор.

-Майли, олиб чиқинг.

Турсунбой яна ичкарига пилдиради. Ҳадемай қўлида бир даста юз сўмлик билан ҳозир бўлди.

-Чамамда, куртканинг эгаси бошқа одамиди? – деди пулни узатаркан.

-У киши билан "Чортоқ"да бирга дам оляпмиз. Совуқда жунжикиб ўтирибди бечора...

-Э-э, шунақами? Хўп, акалар, раҳмат! – деди Турсунбой кўзларини олиб қочиб.

-Сизгаям раҳмат, хўп, хайр! - деди Аҳрор ака, - кетдик.

Аҳрор ака шундай деб пулни куртка чўнтагига солди-да, илдам машинаси томон юрди.

Воқеа бундай тус олишини кутмаган Ҳафизхон ҳанг-манг бўлиб меҳмонлар ортидан эргашди.

"Жигули" кўчани чангитиб қўзғалди...

* * *

Оқшом Аҳрор ака билан Саидориф ака Шарофиддин ака турган хонага кириб боришди. Шарофиддин ака ўз курткасини кўриб, кўзидан ўт чиқиб кетгандек бўлди.

-Ие-ие, қаердан топдиларинг? – деди у. – Э, раҳмат-э, барака топинглар-э!

-Узумини енгу, боғини суриштирманг, касбимиз шунақа! – деди Аҳрор ака самимий кулиб.

-Мана курткангиз, чўнтагида пулингиз, қабул қилиб олинг.

-Минг раҳмат-е! Ажойиб одам экансизлар! Қани-қани, буёққа ўтинглар! Ҳозир чой қўяман.

Шарофиддин ака меҳмонлар атрофида парвонадек айланар, уларни ҳам, ўзини ҳам қўйгани жой тополмасди.

* * *

P.S. **Муҳтарам ўқувчи!**

Юқорида сиз ўқиган ҳикоя тўқиб чиқарилмаган. Яқинда "Чортоқ" сиҳатгоҳида бўлиб ўтган воқеа. Аҳрор ака билан Саидориф ака буни ёзишимиздан ҳам мутлақо бехабарлар. Аҳрор ака Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги маҳаллалардан бирининг оқсоқоли, Саидориф ака бўлса туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишлайдилар. Ўзгалар учун оддий ва табиий туюлган, аммо кўпларга ибрат бўлгулик юқоридаги воқеани қаламга олганимиз учун ҳар икки яхши инсондан узр сўраймиз.

Саломат бўлсинлар!

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# SPORT OLAMIDA

## УЧ ОЧКОДАН МАҲРУМ БЎЛИШДИ

***Ўтган куни футбол бўйича ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 8-тур учрашувлари Баҳром Ҳакимов бош мураббийлигидаги "Насаф" жамоаси учун омадсиз кечди.***

Очиғи, ўзининг ҳужумкор ўйинлари ҳамда чиройли комбинациялари билан футбол ишқибозлари кўнглидан жой олган "Насаф" жамоасининг жорий йилги биринчилик мусобақаларида анча нотекис ўйин намойиш этаётгани ажабланарли ҳол. Начора, "майдон текис, тўп юмалоқ". Ушбу турда меҳмонда Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоасига қарши тўп сурган қаршилик футболчилар яна ўз ишқибозларини ранжитишди. Майдонда меҳмонлардан кўра ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этган мезбонлар рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратаолишди. Дарвозаларга тўпларни "Қизилқум"дан Пономарёв (2 та), Баранов, "Насаф"дан Рустамовлар киритишди.



Жорий йилги чемпионатда анча юқори натижаларни эгаллашни ният қилган пойтахтимизнинг "Трактор" жамоаси сафарда олий лига дебютанти "Цементчи" билан куч синашиб бу гал анча мазмунли ўйин намойиш этди. Деярли тенг курашлар остида кечган ўйинда дарвозаларга иккита гол йўлланди. Қизиқарли кечган беллашувда 1:1 ҳисоби қайд этилиб, жамоалар биттадан очкога эга бўлишди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: "Гулистон" – "Бухоро" 2:3, "Машъал" – "Андижон" 3:0, "Металлург" – "Қўқон-1912" 3:1, "Сурхон" – "Навбаҳор" 1:0, "Дўстлик" – "Самарқанд-Динамо" 4:2.

Кеча "Пахтакор" марказий ўйингоҳида мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари "Пахтакор" ва "Нефтчи" ўзаро куч синашдилар. Унда пахтакорчилар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

***Ўтган куни Хоразм вилоятида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг очилиш маросими вилоят марказий ўйингоҳида ўтказилганлиги ҳаммага маълум.***

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли турнирни бекаму кўст ўтказишни таъминлашга интилган вилоят ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими ва бошқа ҳомий ташкилотлар ёрдамида Хоразмдаги ўқув масканлари спорт мажмуалари қайта таъмирдан чиқарилди. Замонавий талабларга жавоб берадиган Олимпия захиралари спорт коллежи бунёд этилди. Энг муҳими, айни кунларда ушбу коллеж спорт мажмуасида енгил атлетика, бадиий гимнастика, қўл тўпи, теннис мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Дарвоқе, "Умид ниҳоллари"нинг биринчи кунги беллашувларини волейболчилар бошлаб беришди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда Хоразм – Сурхондарё 3:0, Наманган – Қорақалпоғистон 3:0 натижалари қайд этилди. Стол теннисиси баҳсларида Тошкент шаҳри ва вилоятларидан келган 28 нафар қизлар ҳамда 28 нафар ўғил болалар турнир ғолиблиги учун кураш олиб боришмоқда.

## "ЮВЕНТУС" – "РЕАЛ" 3:1

***Чемпионлар лигасининг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун Италиянинг "Ювентус" ва Испаниянинг "Реал" клублари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.***



Биринчи учрашувда ҳисоб 2:1 натижа билан "Реал" фойдасига ҳал бўлган бўлса, бу сафар омад "Ювентус"га кулиб боқди. Биринчи бўлимнинг 13-дақиқасида Давид Трезеге, 43-дақиқада Алессандро дель Пьеролар "Реал" дарвозасига иккита гол йўллашган бўлса, иккинчи бўлимнинг охирроғида Павел Недвед ҳисобни 3:0 га етказди. Фақат 89-дақиқада Зинедин Зидан урган ягона гол орадаги фарқни бироз қисқартирди. Шундай қилиб, 28 май куни бўлиб ўтадиган Чемпионлар лигасининг финал босқичида "Милан" – "Ювентус" клублари майдонга тушадиган бўлди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**


Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 46-ЦОВ-катта ёшдагиларни ўқитиш маркази томонидан 1995 йили Дубровская Ольга Николаевна номига берилган АО № 005355-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги АО "Махсусгазқурилиштаъминот" тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 54-79-72.

Тошкент банк коллежи томонидан 2001 йили Ўринбоев Ҳасан Муродович номига берилган (373-рўйхат рақамли) № 473184 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2003 йили хусусий тадбиркор Таджибаев Самаджон Аҳмаджонович номига берилган ЖШ № 005233-рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 67-мактаб томонидан 1994 йили Бегалиева Муҳаббат Аскаралиевна номига берилган А № 424324 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Олира-Турон" масъулияти чекланган жамияти (код ОКПО 16640581) тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Пейжер: 088 4765.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йили хусусий тадбиркор Раимжанова Гульчехра Убайдуллаевна номига берилган № 0415108 рақамли савдо патенти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


# МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

## БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН ДЎМБИРА

***Шеробод туман маданият саройида бахши-шоир ва оқинларнинг вилоят кўрик танлови ўтказилди.***

Маданий меросимизни тарғиб қилишда катта аҳамият касб этувчи бу тадбирда биринчи ўрин Қумқўрғон тумани вакили Бахшиқул Тоғаевга насиб этди.

## ТЕАТР ГАСТРОЛДА

***Маннон Уйғур номли Сурхондарё вилоят драма театри маҳаллий драматург Муҳаммад Бобоевнинг асари асосида саҳналаштирилган "Ўлим халқаси" асарини Қорақалпоғистон Республикаси ва қўшни вилоятларда намойиш этмоқда.***

Ватанфурушлар, ақидапарастларнинг жирканч қилмишлари ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маннон Равшанов бошчилигида Турғун Йўлдошев саҳналаштирган.

## ОБОД МАҲАЛЛАНИНГ ОҚИЛАЛАРИ

***Жиззах тумани Қўшбармоқ маҳалла қўмитаси, вилоят "Камолот" жамғармаси, вилоят халқ ижодиёти маркази, Жиззах тумани маданият уйи ҳамкорликда қизлар ўртасида "Менинг обод маҳаллам" кўрик-танловини ўтказди.***

Тадбирнинг шартларига кўра қатнашчилар ўз маҳалласининг тарихи, урф-одатлари, анъаналари ҳақидаги билимларини намойиш этиб, эркин саҳна кўринишларини бажардилар. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра Дурдона Маматқулова танлов ғолиби деб топилди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

# "САМИМИЙЛИКНИ ҚАДРЛАЙМАН"

***Ёш хонанда Лола Аҳмедова ўз истеъдоди билан қисқа фурсатда эътиборга тушди. Унинг "Дейман", "Кетар бўлдинг", "Ҳаёт", "Ёлғизгинам" каби қўшиқлари аллақачон тингловчилар қалбидан жой олиб улгурган.***

Ҳозир у Ўзбекистон Давлат Консерваториясида анъанавий хонандалик йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Биз ёш хонанда билан суҳбатлашдик.

**-Баъзида эндигина санъатга кириб кела бошлаган қўшиқчи қизларимизнинг саҳнада ўзини тутиши, кийиниши, юриш-туришида очиқ-ойдин ғарбга мойиллиги сезилиб қолмоқда. Бунга сиз қандай қарайсиз?**

-Саҳна маданияти деган тушунча мавжуд. Бу биринчи навбатда хонанданинг тингловчи ёки томошабинга, қолаверса, ўз-ўзига ҳурматини белгилайди. Тақлид масаласига келсак, ҳар бир миллатнинг ўз маданияти, қадриятлари, мусиқаси мавжуд. Халқимизнинг ҳам дунёга кўз-кўз этса арзигулик бой санъати бор. Бинобарин, бу жиҳатдан бошқаларга тақлид қиладиган даражада муҳтож эмасмиз. Бироқ, бу ҳақиқатни кўпчилик ёшларимиз тушуна олмаяпти. Гапнинг очиғи, саҳнага аллатовур кийимда чиқиб, ярашмаган хатти-ҳаракатлар билан куйлайдиганлар менинг ҳам ғашимга тегади.



**-Турк, эрон ёки араб мусиқасига икки оғиз ўзбекча гап тиркаб қўшиқ айтиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.**

-Менимча, бу қўшиқлар билан узоққа бориб бўлмайди. Чунки хорижга борганда, биздан бунақа "улама" қўшиқларни эмас, ҳақиқий ўзбекона санъат асарини кутишади. Шу боис, ҳар бир қўшиқнинг мусиқасида ҳам, сўзида ҳам, хонанданинг қиёфасида ҳам миллийлик кўриниб туриши керак.

## ИСТЕЪДОД

**-Келинг, энди бевосита ўзингиз ҳақингизда гаплашсак. Одатда, қиз боланинг хонанда бўлиб етишишига кўпчилик ота-оналар унча рўйхушлик беришмайди.**

-Мен Сурхон воҳасида туғилиб ўсганман. Ота-онам бошида рухсат беришмаган. Ўзбекчилик-да! Бироқ, қўшиқчиликка бўлган иштиёқим барибир ғолиб чиқди. Аслида қиз бола хонанда бўлса бунинг нимаси ёмон? Қадамини билиб босса, қалбини покиза тутса, виждон амрига бўйсуниб иш юритса, шунинг ўзи кифоя эмасми?

**-Одатда, инсон кимгадир ҳавас қилади, унга ўхшашга интилади.**

-Ойимларга ўхшашни жудажуда орзу қиламан. У кишидан ҳар томонлама ўрнак олишга интиламан. Муомалада ҳам, кийинишда ҳам, ишда ҳам.

**-Энг кам қўшиқ тинглайдиганлар – бу қўшиқчилар дейишади.**

-Бу гапингизга қўшилмайман. Яхши ҳофиз бўлиш учун аввало яхши тингловчи ҳам бўлиш керак. Мен ҳам куннинг маълум қисмини қўшиқ тинглашга сарфлайман. Замира Суюнова, Марям Сатторова каби устоз санъаткорлар ижодини қадрлайман. Тони Брингстон, Маҳсун Кирмизигул, Эмраҳ, Энрике Иглесиас каби хорижий мусиқа юлдузлари қўшиқларини севиб тинглайман.

**-Мумтоз қўшиқлар куйлашга иштиёқингиз борми?**

-Ҳа, ҳозир Бобур ғазали билан айтиладиган "Насри баёт" ашуласи устида ишлаяпман.

**-Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дейишади...**

-Нима демоқчи эканингизни тушундим. Шукр, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам устозларим кўп. Гулшод Отабоева, Рифатилла Қосимов, Матназар Худойназаров, Саодат Қобулова каби устозларимдан бир умр миннатдорман. Ҳар ҳолда... (кулади) биз устоз кўрган шогирдларданмиз.

**-Самимийлигингиз ёқди. Бироқ, "юлдузлик" касали кўпинча инсондаги ана шу фазилатга путур етказиши мумкин. Пайти келиб сиз ҳам...**

-Йўқ. Кибр-ҳаво, манманлик инсоннинг қонида бўлсагина, у ана шу касалликка чалиниши мумкин. Инсонда чин маънода самимийлик бор экан, уни ҳеч нарса йўққа чиқаролмайди.

**Рустам ЖАББОРОВ суҳбатлашди.**

# ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

***Россиянинг Толятти шаҳридаги касалхоналардан бирига келган бемор Виктор С. кўзидан шикоят қилди.***

Шифокорлар беморни текшираётиб ақл бовар қилмайдиган ҳодисага дуч келишди. Улар не кўз билан кўрсинларки, беморнинг ўнг кўзи ичида аллақандай жонивор бемалол юрар эди.

## КЎЗДАГИ ЧУВАЛЧАНГ

Дирофилярия деб аталувчи чувалчангсимон бу ҳашаротнинг бемор кўзига "уя" қуриб олганини мутахассислар қуйидагича изоҳлашади:

Пашша ёки чивин чақиши натижасида одам қонига ўтган эндигина тухумдан чиққан қурт (личинка) организмда ўзига макон излаб кезинади, жигардан, буйракдан ёки бошқа бирон-бир аъзодан муқим жой олгач, ажабтовур чувалчангга айланади. Толяттилик шифокор Савельевнинг айтишича, бемор Виктор С.нинг кўзи чувалчангга айланабошлаган қуртга торлик қилиб қолган ва безовта ҳаракатлари билан кўз эгасига ташвиш орттирган. Беморнинг кўзини операция қилган шифокорлар чувалчангни тутиб олишга муваффақ бўлишган. Аслида одам организмидан жой олган бундай дангаса текинхўрни бус-бутун қўлга тушириш мушкул иш эди. У жуда ҳам тез ҳаракатланади, жарроҳ тиғига чап бериши ёки бўлакларга бўлиниб, бекиниб олиши ҳам мумкин.

**Хориж хабарлари асосида Абдулла ТОЛИБ тайёрлади**

## РАССОМ ХАНДАСИ



Изохга хожат йўқ.
А.ХАКИМОВ чизган расмлар.

***Таниқли ёзувчи ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамдам Эшонқулов номи газетхонларимизга ҳам яхши таниш. У бир неча йилдирки, "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг Навоий вилояти бўйича махсус мухбири вазифасида ишлаб келмоқда. Ёзган мақолаларида Навоий вилоятининг поёнсиз кенгликлари бўй кўрсатиб туради. Заҳматкаш, самимий, бағрикенг замондошларимиз, деҳқону чорвадорларимизнинг ҳалол меҳнати, қувонч ва ташвишларини теран туйғулар уйғунлигида акс эттиради.***

# "ЎЗИНИ АЯМАГАН ОДАМЛАР"

Ўқидингизми?




Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ҳамкасбимизнинг "Ўзини аямаган одамлар" номли китоби босмадан чиқди. Ушбу салмоқли тўпламдан умрини эл-юрт хизматига бағишлаган, фидойи кишиларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи бир қатор лавҳалар ўрин олган.

Сифатли нашрдан чиққан ушбу китобга тажрибали суратчи Жумамурот Мирзаев олган суратларнинг алоҳида кўрк бағишлаганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

# "ТАФАККУР"НИНГ ЯНГИ ЁЛҚИНИ

***Даврий нашрларимиз орасида ўз ўрни, мавқеи ва йўналишига эга бўлган "Тафаккур" журналининг навбатдаги сони ҳам ўз ўқувчилари қўлига етиб борди. Журналнинг ушбу сонида долзарб руҳдаги ижтимоий-фалсафий ва маърифий мақолаларга кенг ўрин берилган.***




"Тафаккур"нинг илк саҳифасида чоп этилган "Китоб урмасин" сарлавҳали мақолада бугунги куннинг энг оғриқли муаммоларидан бири қаламга олинади. Тўғри, китоб ва китобхонлик ҳақида кўп ва хўп гапирилмоқда. Бироқ ушбу мўъжазгина мақолани ўқиган журналхонлар муаллифнинг масалага бошқача ёндашганига амин бўладилар.

Тошкент Давлат Юридик институти доценти О.Муҳаммаджоновнинг "Ҳуқуқий тафаккур маҳсули: парламентчилик тараққиёти" сарлавҳали мақоласида эса айни пайтда мамлакат қонунчилигининг асоси парламент тушунчасининг асл моҳияти, бу борада хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ва Ўзбекистондаги сиёсий ислоҳотлар ҳақида сўз юритилади. "Коперникона тўнтариш" мақоласида эса дунё фалсафасининг буюк намояндаларидан бири Иммануэл Кантнинг ҳаёт йўли, қарашлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, "Эътиқод ва маърифат – ижтимоий юксалиш асоси", "Қайтмоқ учун кетмоқдаман", "Ҳаким ота достонлари" каби мақолалар ҳам ўқувчилар эътиборини тортади. Саъдулла Ҳаким ва Зулфия Мўминоваларнинг янги ижод намуналари назм мухлислари ҳукмига ҳавола этилган.

**Жаббор РУСТАМОВ**


Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Б.ХОТАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com